2020 йил 25 январдан чиқа бошлаган

Миллий тикланишдан - миллий юксалиш сари

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

Ижтимоий-сиёсий газета

№ 155 (411), 2021 йил 3 август, сешанба

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

## ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

# ТОШКЕНТ ШАҲРИДА ИССИҚЛИК ТАЪМИНОТИ ТИЗИМИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ЧОРАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

**Президент Шавкат Мирзиёев 2 август куни Тошкент шаҳрида иссиқлик таъминоти тизимини модернизация қилиш лойиҳаси тақдимоти билан танишди.**

Иссиқлик таъминоти ҳаёт сифатини таъминлайдиган омиллардан бири. Мамлакатимизда бу тизимни такомиллаштириш бўйича изчил ишлар амалга оширилмоқда. Жумладан, Жаҳон банки билан ҳамкорликда Андижон, Бухоро, Самарқанд, Чирчиқ шаҳарларидаги марказлашган иссиқлик таъминоти тармоқлари реконструкция қилинмоқда. Жорий йилдан бошлаб, Нукус, Андижон, Бухоро, Жиззах, Қарши, Навоий, Наманган, Самарқанд, Термиз, Гулистон, Урганч, Фарғона, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида кўп қаватли уй-жойларга хизмат кўрсатиш бошқарув-сервис компанияларига ўтказилмоқда.

Тошкент аҳоли сони жиҳатидан ҳам, иссиқлик тармоқларининг кўлами бўйича ҳам мамлакатимизнинг энг катта шаҳридир. Бу ерда 9 минг 165 та кўп қаватли уй, 3 минг 475 та ижтимоий объект марказлашган иссиқлик таъминотига уланган. Лекин магистрал ва тарқатиш тармоқларининг 72 фоизи, марказий қозонхоналарнинг ҳаммаси, маҳаллий қозонхоналарнинг 90 фоизи эскирган.

Бу харажатларнинг ҳаддан зиёд ортиб, хизмат сифати пасайишига сабаб бўлмоқда. Масалан, ўтган йили иссиқлик энергияси йўқотилиши 44 фоизни, пулга чаққанда, 630 миллиард сўмни ташкил этган. Бунинг учун 460 миллион куб метр табиий газ, 55 миллион куб метр ичимлик суви, 154 миллион киловат электр энергияси ортиқча сарфланган.

Оқибатда “Тошиссиққуввати” давлат унитар корхонасининг кредитор қарздорлиги юқорилигича қолмоқда. Хизмат сифати пастлиги аҳолининг жиддий эътирозларига сабаб бўлмоқда.

Шу боис 2019 йил 2 декабрда “Тошкент шаҳрининг иссиқлик таъминоти тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” Президент қарори қабул қилиниб, тизимда бозор тамойиллари ва давлат-хусусий шерикликни жорий этиш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Ўтган даврда бу борада лойиҳа концепцияси тайёрланиб, таклифлар олиш учун танлов эълон қилинди. Осиё тараққиёт банкининг хулосасига кўра, Франциянинг “Veolia” компаниясининг лойиҳаси энг самарадор деб топилди. Бу компания Польша, Чехия, Руминия, Литва, Германиядаги шаҳарларда иссиқлик тизимини бошқариш тажрибасига эга.

Шу кунларда Тошкент шаҳар ҳокимлиги билан компания ўртасида хусусий шериклик шартномаси имзоланиши кутилмоқда.

Лойиҳага кўра, “Veolia” компанияси томонидан 315 миллион евро, лойиҳа даврида олинадиган даромад ҳисобидан 1 миллиард 80 миллион евро йўналтирилиши кўзда тутилган.

Бу маблағлар эвазига 181 та иссиқлик қозонхонаси модернизация қилиниши, 28 мингта иссиқлик пункти ўрнатилиши, 841 километр тармоқ реконструкция қилиниб, 576 километр тармоқ янгидан қурилиши режалаштирилган. Шунингдек, 391 та махсус автомашина ва бошқа ускуналар сотиб олинади. Халқаро даражадаги техник аудит ва биллинг тизими жорий этилади.

Тақдимотда, аввало, иссиқлик таъминоти хизматларини хусусий шериклик асосида ташкил этиш методологиясини ишлаб чиқиш вазифаси қўйилди.

Президентимиз таклиф этилаётган лойиҳани Тошкент шаҳридаги мавзелардан бирида намуна сифатида жорий этиб, самарадорлигини тажрибадан ўтказиш, ҳар томонлама чуқур ўйлаб, қарор қабул қилиш зарурлигини таъкидлади.

Бошқарувга беришдан олдин “Тошиссиққуввати” давлат унитар корхонасига тегишли мол-мулк ва бинолар хатловдан, кўп қаватли уйларнинг иссиқлик таъминоти тизимлари техник ва энергетик аудитдан ўтказилиши белгиланди.

Лойиҳани амалга ошириш учун Иссиқлик тизимини ривожлантириш жамғармаси ташкил қилиш бўйича кўрсатма берилди. Лойиҳа доирасида олинган соф фойданинг 10 фоиздан ошган қисми мазкур жамғармага ўтказиб борилади.

Махсус техника, ускуна ва материалларни давлат харидлари тўғрисидаги қонунга асосан очиқ тендер орқали, мақбул нархларда сотиб олиш кераклиги қайд этилди.

“Veolia” компанияси билан бирга маҳаллий мутахассислар малакасини оширишни йўлга қўйиш муҳимлиги таъкидланди.

**ЎзА**

**БУГУННИНГ ГАПИ**

# ИЖОДКОР ЗИЁЛИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ДУНЁСИНИ ЯРАТУВЧИ

**Мамлакатимиз кейинги тўрт йилда тамаддуннинг ривожланган давлатларга хос белгиларини ўзида намоён қила бошлади. Марказий Осиё давлатлари ўртасида ўзаро ҳамжиҳатлилик ва ҳамкорлик бошлангани, давлат сиёсати ва бошқарувининг инсоннинг ривожланиши, унинг манфаатларини қондириш институти сифатида трансформациялашуви, авторитар бошқарувга барҳам берилгани, инсонга муносабат, матбуот, диний эркинликлар қоғозда эмас, балки ҳаётда юз бераётгани, давлат халқ иродасини ифода этувчи ва давлат идораларининг халққа хизмат қилиш институтига айлангани, яратилган шарт-шароитлар самараси ўлароқ жамият ва давлат дарди билан яшайдиган ватандошларимиз кўпайиб бораётгани Президентимиз Шавкат Мирзиёев бошлаган янги Ўзбекистонни қуриш ислоҳотларининг натижаларидир.**

2017 йил 3 август куни давлатимиз раҳбарининг Ўзбекистон ижодкор зиёлилари вакиллари билан учрашувига тўрт йил тўлиши муносабати билан адабиёт, санъат ва маданият соҳаси фидойиларининг ҳозирги янги Ўзбекистонни ривожлантиришдаги ўрни ва жамиятда тутган ўрни тўғрисида мулоҳаза қилишга зарурат туғилиши табиий ҳол.

Бир умр сиёсий жараёнлар ва давлат бошқаруви соҳасида тажриба орттирган, ўз Ватанига фидойилик билан меҳнат қилган, ўз тарихини чуқур ва теран англаган, ўз давлати ва халқининг келажаги учун фидойи бир инсон сифатида Президентимиз Шарқ мутафаккирларининг аксарияти ўзига ватандош экани, нима учун шунча асрлардан бери янги Ренессанс яратишга қобил бўлган ижодкор зиёлилар пайдо бўлмагани сабабларини ўйлаганига шубҳа қилмаймиз. Албатта, унинг қуйидаги фикри шунчаки пайдо бўлмаган: “Халқимизнинг улуғвор қудрати жўш урган ҳозирги замонда Ўзбекистонда янги бир уйғониш — Учинчи Ренессанс даврига пойдевор яратилмоқда, десак, айни ҳақиқат бўлади. Чунки бугунги Ўзбекистон — кечаги Ўзбекистон эмас. Бугунги халқимиз ҳам кечаги халқ эмас”.

Кўҳна тарихга назар солсак, бир томондан, ижтимоий-иқтисодий ривожланиш, иккинчи томондан, ҳурфикрлиликка интилиш, учинчи томондан, ўз давридаги машҳур ҳукмдорларнинг илм-фан, адабиёт, санъат учун қулай шарт-шароитлар яратиши ва бунга ҳомийлик қилиши Ренессансларни шакллантирган асосий омиллар сирасига киришига гувоҳ бўламиз.

Давоми 3-бетда

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

# КУН САЙИН ЯНГИЛАНАЁТГАН ВА ЮКСАЛАЁТГАН НАМАНГАН

**Янгиланаётган, юксалаётган Наманган вилояти аҳли энг улуғ, энг азиз байрамимиз — Ватанимиз мустақиллигининг 30 йиллигини ёруғ юз, салмоқли натижалар билан қарши олмоқда. Ортга назар солиб, сарҳисоб этар эканмиз, айниқса, охирги йиллардаги изчил ислоҳотлар ва уларнинг мислсиз самаралари яққол кўзга ташланади. “Янги Ўзбекистон” мухбири вилоят ҳокими Шавкатжон АБДУРАЗЗОҚОВ билан ҳудудда амалга оширилаётган ислоҳотлар, уларнинг натижалари ҳақида суҳбатлашди.**

**— Шавкатжон Шокиржонович, юртимизда умумхалқ байрамларини меҳнат ютуқлари, ўзига хос туҳфалар билан нишонлаш эзгу анъанага айланган. Шу маънода, мамлакатимиз мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида Наманган аҳлини қандай хушхабарлар кутмоқда?**

— Албатта, энг улуғ, энг азиз байрамимизни ҳар йилгидан-да кўтаринки руҳда нишонлаш тадоригидамиз. Юртдошларимизни юқори савиядаги маданий-маърифий, кўнгилочар дастурлар билан хушнуд этиш учун барча имкониятларимиз бор. Фақат, коронавирус балоси яна авж ола бошлаган бугунги шароитда мамлакатимиз истиқлолининг юбилей санасига бағишланган тадбирларни қай тартибда ўтказишни Республика комиссиясининг қарорига мувофиқ белгилаймиз. Президентимизнинг 2020 йил 17 декабрдаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат мустақиллигининг ўттиз йиллик байрамига тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш тўғрисида”ги қарори ижросини вилоятда таъминлашга йил бошиданоқ киришилган.

Давоми 4-бетда

**ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ**

# ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

**Ҳар бир инсоннинг ҳаётида ҳеч қачон унутилмайдиган воқеа бўлади. Давлатимиз раҳбарининг Олмалиқ шаҳрига ташрифи, шу ташриф асносида биз меҳнат қилаётган Олмалиқ кон-металлургия комбинатида ҳам бўлгани мен ва жамоамиз учун унутилмас воқеа бўлди.**
**Айтиш керакки, бу ташриф янги Ўзбекистоннинг кон-металлургия саноати тарихида янги саҳифани очиб берди.**

Президентимиз комбинатда ишлаб чиқариш қувватларини кенгайтириш ва самарадорликни янада ошириш, замонавий технологик имкониятларни сафарбар этиш орқали тоғ-кон саноати ҳамда металлургияни ривожлантириш, қисқача айтганда, йирик саноат корхонасининг келгусидаги истиқболли фаолиятини таъминлаш йўлидаги изчил ислоҳотларга шахсан ўзи бош-қош бўлаётгани, биринчи навбатда, шу ташкилотнинг раҳбари сифатида менга, қолаверса, “Олмалиқ КМК” АЖнинг кўп минг сонли меҳнат жамоасига чексиз ғурур бағишлайди.

Давоми 2-бетда

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# АҚШ дипломатлари: Ўзбекистонда бугун мутлақо янги воқелик, одамларнинг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-умидларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича янги қатъият кузатилмоқда

Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 30 йиллиги арафасида мамлакатимизнинг Вашингтондаги элчихонаси томонидан Америка Қўшма Штатларининг Тошкентдаги дипломатия ваколатхонасига турли даврларда раҳбарлик қилган элчилар иштирокида онлайн-брифинг ташкил этилди.

Ўзбекистоннинг АҚШдаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Жавлон Ваҳобов мамлакатимизнинг мустақил ривожланиш йилларида эришган энг муҳим муваффақиятлари, Ўзбекистон — Америка ҳамкорлигининг 30 йиллик тарихидаги аҳамиятга молик қирралар ҳамда ўзаро стратегик шерикликни янада мустаҳкамлашнинг истиқболлари ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини баён этди.

Онлайн-тадбир Ўзбекистон ва АҚШ ўртасидаги муносабатлар ривожланишининг асосий даврларини қамраб олган қуйидаги учта сессиядан иборат бўлди: мамлакатимиз мустақилликни қўлга киритган тарихий давр, 2002 йилда ўзаро стратегик шериклик ўрнатилиши туфайли очилган янги саҳифа ва 2018 йил май ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Вашингтонга ташрифи муносабати билан бошланган стратегик шерикликнинг янги босқичи.

Элчилар Ўзбекистонда кечган дипломатик хизмати давридаги муҳим ва эсда қоларли воқеалар ҳақидаги хотираларини сўзлаб берди.

Давоми 2-бетда

## ПРЕЗИДЕНТ ТАШРИФИДАН СЎНГ

# ОЛМАЛИҚ КОН-МЕТАЛЛУРГИЯ КОМБИНАТИ РИВОЖЛАНИШНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИДА

**Абдулла ХУРСАНОВ,**
**“Олмалиқ КМК”**
**АЖ бошқаруви раиси**

Бошланиши 1-бетда

Бугун заводимиз ўзининг юксалиш йилларини бошдан кечирмоқда, десам, асло муболаға эмас. Хусусан, комбинатда “Ёшлик-1” конини ўзлаштириш лойиҳаси жадал суръатларда олиб борилмоқда. Тўрт йил мобайнида жалб қилинган 570 та янги кон техникаси билан 210 миллион тоннага яқин кон очиш ишлари амалга оширилгани бунинг ёрқин тасдиғидир.

Бундан ташқари, олиб борилган геологияқидирув ишлари таҳлиллари натижасида JORC кодекси (шаффоф ҳисобдорлик кодекси) асосида кон захиралари халқаро стандарт талабларига мувофиқ баҳоланиб, коннинг математик-геологик модели яратилди.

Хорижий компаниялар томонидан мазкур кон захиралари “Дунёдаги энг йирик мис ва олтин кони”, деган эътирофга сазовор бўлди.

Ҳеч шубҳасиз, келгусида бу конлардан олинадиган табиий бойликлар нафақат комбинатимизни, балки мамлакатимиз қудратини ҳам янада юксалтиради.

Таъкидлаш жоизки, сўнгги тўрт йилда корхонада мис ишлаб чиқариш 150 фоизга, олтин ишлаб чиқариш 118 фоизга, кумуш ишлаб чиқариш 162 фоизга етди, инвестицияларни ўзлаштириш 4 маротаба, экспорт ҳажми эса 2 баробар ошди.

Шунингдек, комбинатнинг 2019 йилдаги соф фойдаси 2,4 триллион сўмни ташкил этган бўлса, жорий йилда мазкур миқдорнинг 5 триллион сўм бўлиши кутилмоқда. Ушбу муваффақиятли натижалар эса, албатта, давлатимиз раҳбарининг геология ва кон-металлургия саноатига қаратаётган алоҳида эътибори маҳсулидир.

Олинган фойда нафақат мамлакатимиз бюджетига, балки ишчи-ходимларимизнинг турмуш тарзини янада яхшилашга, ижтимоий соҳалар ривожига йўналтирилмоқда.

Хусусан, Президентимиз ташаббуси билан шаҳримизда барпо этилган “Мустақилликнинг 27 йиллиги” массивида янги 20 та кўп қаватли уйнинг 10 таси ҳамда 2 та мактабгача таълим муассасаси комбинат томонидан қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Бундан ташқари, қисқа муддатларда “Ёшлар боғи” қурилди, шаҳар болалар шифохонаси ва 3 та мактабгача таълим муассасаси реконструкция қилинди. Шунингдек, ишчи-ходимларимизнинг иш ҳақи уч баробар оширилди.

Албатта, бу кўрсаткичлар мамлакатимизда иқтисодий-ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотлар натижасидир.

Давлатимиз раҳбарининг ташрифи доирасида комбинат меҳнат жамоаси ва Тошкент вилояти аҳолиси учун катта тарихий воқелик — 3-мис бойитиш фабрикаси қурилишига старт берилди.

Президентимиз мамлакатимиз иқтисодий тараққиёти ва кон-металлургия саноати ривожида янги даврни бошлаб берувчи ушбу лойиҳани топшириш муддатини қисқартириб, 3-мис бойитиш фабрикасини 2023 йилда фойдаланишга топшириш вазифасини қўйди.

Айни пайтда мазкур лойиҳа доирасида “Ёшлик-1” конининг фаолияти учун зарур бўлган янги инфратузилма объектларини, яъни темир йўллар ва станциялар, кон-транспорт воситаларини таъмирлаш ва йиғиш цехларини қуриш ишлари олиб борилиб, 650 мегаватт қувватга эга ташқи электр тармоғи тортиляпти.

“Ёшлик-1” конидан 3-мисни бойитиш фабрикасига маъдан ташиш харажатларини камайтириш мақсадида коннинг бортида майдалаш комплекси ва узунлиги 4 километрдан зиёд бўлган айланма-оқим технологияси (ЦПТ) қурилиши учун майдон тайёрланмоқда. Бу ерда маъданларни дастлабки йирик майдалаш ишлари амалга оширилади. Коннинг устки қатлами — тоғ жинсини ағдарилган қатламга ташиш учун ҳам айнан шундай технология жорий қилинмоқда.

Фабрика билан биргаликда унинг фаолиятини барқарор таъминлаш мақсадида соатига 23 минг куб метр қувватига тенг сув таъминоти объектлари ҳамда 360 минг тонналик янги оҳак заводи қурилиш ишлари бошланган.

3-мис бойитиш фабрикаси комбинатнинг нафақат ишлаб чиқариш қувватларини 2,5 баробарга оширади, балки мис саноати кластерини, кимё, машинасозлик, электротехника ҳамда автомобилсозлик тармоқлари ривожланишида муҳим аҳамият касб этади. Шу билан бирга, фабрика ишга тушганда зарур бўладиган 24 турдаги кимёвий реагентлар ва материалларни ишлаб чиқариш ҳажмини янада оширишга туртки бўлади.

Шунингдек, мис кабель симлари, мис кукуни, мис фольгаси каби юқори қўшилган қийматли тайёр маҳсулотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш орқали мисни қайта ишлаш ҳажми республикамизда 50 фоиздан 80 фоизга етказилади.

Қурилаётган йирик объектлар базасида келажакда саноат ва илм-фан интеграцияси натижасида комбинатдаги ёш олимлар, фан докторлари сафи кенгаяди ва энг муҳими, ёш кончи-металлург мутахассислардан иборат етук кадрлар захираси шаклланади.

Мен комбинатимиз жамоасини энг бахтли жамоа, деб биламан. Сабаби шундай йирик, ўта аҳамиятли фабрикани бунёд этиш айнан бизнинг давримизда, келажакка катта ишонч билан бораётган ёшларимизга насиб этгани жуда қувонарлидир.

Биз йиллар давомида тўплаган тажрибамиз, билимимиз ва бой салоҳиятимизни сафарбар этиб, фабрикани белгиланган муддатда ишга туширамиз.

Бундан ташқари бу ерда яна бир лойиҳа амалга оширилмоқда. Бойитиш фабрикаларининг қувватини 160 миллион тоннага етишини инобатга олиб, оширилган қувватларни маҳаллий технологик ускуналар, эҳтиёт ва бутловчи қисмлар билан тўлиқ таъминлаш учун комбинат таркибида янги тармоқ – машинасозлик заводини қуриш лойиҳаси ишлаб чиқилди.

Ушбу машинасозлик заводи 4 та мис бойитиш фабрикаси учун майдалагичлар, тегирмон каби ускуналар ҳамда бутловчи-эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш имкониятини беради.

Президентимиз лойиҳанинг кейинги босқичида 4-мис бойитиш фабрикасини жадаллик билан қуриш бўйича топшириқ берди. Шунингдек, ер қаъридан фойдаланиш учун солиқ ставкаларини 10 фоиздан 7 фоизга камайтириш вазифасини қўйди.

Бундан ташқари, янги мис бойитиш фабрикаларидан олинадиган 2 миллион тонна мис концентратини қайта ишлаш учун умумий қуввати 400 минг тонна мис катоди чиқаришга мўлжалланган металлургия объектлари яратилади.

Албатта, бу кенг кўламли ислоҳотлар ва бунёдкорлик ишлари замирида фақат бир эзгу мақсад мужассам — халқимиз турмуши фаровонлигини янада юксалтириш. Президентимизнинг айни шу эзгу ғоя ва ташаббусларини амалга оширишда комбинатимиз жамоасига кўрсатаётган юксак эътибори бизни янада руҳлантириб, янги лойиҳалар устида изланишга, меҳнат қилишга ва белгиланган вазифаларни собитқадамлик билан амалга оширишга ундайди.

## 24 ОКТЯБРЬ 2021 ЙИЛ ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ САЙЛОВИ

**Шу кунларда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови жараёни қизғин паллага кирмоқда. Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда сайлов очиқлик, ошкоралик муҳити кучайган бир шароитда, халқаро андозалар ва демократик талаблар асосида ўтаётгани билан аҳамиятлидир. Айтиш керакки, 2019 йил халқаро стандартларга мос Сайлов кодексининг амалиётга жорий этилиши миллий сайлов тизимида янги даврни бошлаб берди.**

# КИМЛАР УЧАСТКА САЙЛОВ КОМИССИЯСИ АЪЗОСИ БЎЛАДИ?

**Бекзод НАРИМОНОВ,**
**Тошкент давлат юридик университети доценти в.б. юридик фанлари бўйича фалсафа доктори**

Бу йилги Президент сайлови айнан янги Сайлов кодекси асосида ўтказилаётгани уни аввалгиларидан фарқлаб турувчи асосий жиҳатлардан бири эканини алоҳида таъкидлаш жоиз.

Мазкур сиёсий жараённи юқори савияда ташкил этиш, сайлов қонунчилиги талаблари сўзсиз, аниқ ва бир хилда ижро этилишини таъминлашда участка сайлов комиссияси аъзолари зиммасига ҳам юксак масъулият юкланган.

Шу ўринда участка сайлов комиссияларига қўйиладиган талаблар барчани қизиқтириши табиий. Биринчи навбатда, комиссия аъзолигига номзодлар йигирма бир ёшга тўлган бўлиши, ўрта ёки олий маълумотга эгалиги, қоида тариқасида сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эгалиги, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар бўлиши муҳим ҳисобланади.

Сайлов кодексида участка сайлов комиссияси аъзоларининг ярмидан кўпи битта ташкилотдан тавсия этилиши мумкин эмаслиги белгиланган. Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналари ҳузурида, ҳарбий қисмларда, санаторийларда ва дам олиш уйларида, касалхоналарда ҳамда бошқа стационар даволаш муассасаларида, қамоқда сақлаш ва озодликдан маҳрум қилиш жойларида ташкил этилган участка сайлов комиссиялари бундан мустасно. Шу билан бирга, участка сайлов комиссияси аъзоларини шакллантиришда комиссия аъзолигига номзодлар таркибига сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш борасида иш тажрибасига эга, аҳоли ўртасида обрў-эътибор қозонган фуқаролар, нодавлат нотижорат ташкилотлар, ёшлар, хотин-қизлар, нуронийлар, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ҳуқуқий билим ва малакага эга шахслар, яъни юрисконсультлар, адвокатлар ҳамда хорижий тилларни биладиган мутахассисларни ҳам киритиш тавсия этилади.

Яна бир эътиборли жиҳат, сайлов кампаниясида иштирок этаётган сайлов комиссиялари аъзолари ўз-ўзидан бошқа сайлов комиссиясига аъзо этиб тасдиқланиши мумкин эмас. Шунингдек, сиёсий партиялар аъзолари, вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари, прокуратура органлари, судларнинг мансабдор шахслари, номзодларнинг яқин қариндошлари ва ишончли вакиллари, номзодларга бевосита бўйсунувчи шахслар сайлов комиссияси аъзоси бўлиши тақиқланади.

Участка сайлов комиссияларини ташкил этишда давлат ва нодавлат ташкилотлар фаол иштирок этади. Бунда ушбу комиссия аъзолигига номзодлар фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, жамоат бирлашмалари, корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар томонидан таклиф этилишини алоҳида эътироф этиш жоиз. Кейинчалик бу номзодлар халқ депутатлари туман, шаҳар кенгашлари мажлисларида муҳокама қилинади ҳамда тегишли округ сайлов комиссиясига тасдиқлаш учун тавсия этилади.

Сайлов қонунчилигида участка сайлов комиссияларини тузишнинг аниқ мезонлари белгиланган.

Биринчидан, участка сайлов комиссиялари округ сайлов комиссияси томонидан сайловга камида қирқ кун қолганида тузилади.

Иккинчидан, участка сайлов комиссиялари беш-ўн тўққиз нафар аъзодан, шу жумладан, раис, раис ўринбосари ва котибдан иборат таркибда бўлади.

Учинчидан, хориждаги участка сайлов комиссиялари Ўзбекистон Республикасининг чет давлатлардаги дипломатик ва бошқа ваколатхоналарида тузилади.

Участка сайлов комиссиялари аъзоларига қандай тартибда ҳақ тўланиши ҳам юртдошларимизни қизиқтириши табиий. Миллий сайлов қонунчилигининг муҳим жиҳатларидан бири барча даражадаги сайлов комиссияларини сайловга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш, шу жумладан, участка сайлов комиссиялари аъзолари фаолияти бўйича молиялаштириш давлат бюджетидан амалга оширилишидир. Бошқача айтганда, участка сайлов комиссиялари аъзолари меҳнатига сайловни ўтказиш учун ажратилган маблағлар ҳисобидан ҳақ тўланади.

Қонунчилигимизда участка сайлов комиссиялари аъзоларига транспорт, овқатланиш ва бошқа харажатларни қоплаш мақсадида компенсация тўланиши алоҳида белгиланган. Бу, ўз ўрнида, ушбу шахсларнинг сайлов жараёнида ўзига юклатилган вазифаларни сидқидилдан бажаришига хизмат қилади.

Таъкидлаш жоизки, қонунчиликда доимий иш жойига эга бўлмаган участка сайлов комиссиялари аъзолари, шу жумладан, комиссия аъзолигига жалб қилинган пенсионерларнинг меҳнатига ҳақ тўлаш масаласи ҳам эътибордан четда қолмаган. Ушбу шахсларга меҳнатга ҳақ тўлашнинг ягона тариф сеткасига мувофиқ иш ҳақи тўланиши белгиланди.

Сайлов замонавий демократиянинг муҳим институти, халқ ўз хоҳиш-иродасини билдириш воситаси сифатида мамлакатимизда жамиятни сиёсий, ижтимоий ва иқтисодий модернизация қилиш жараёнини жадаллаштиришнинг асосий омилидир. Участка сайлов комиссиялари ва уларнинг аъзолари бу ғоят муҳим жараённи умумэътироф этилган халқаро стандартлар, принциплар асосида демократик тарзда, очиқ-ошкора ўтказилишида ўз муносиб ҳиссаларини қўшади.

## “ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” УЧУН МАХСУС

# АҚШ дипломатлари:

## Ўзбекистонда бугун мутлақо янги воқелик, одамларнинг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-умидларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича янги қатъият кузатилмоқда

Бошланиши 1-бетда

**Генри Кларк, АҚШнинг Ўзбекистондаги биринчи элчиси (1992-1995 йиллар):**

— Менинг асосий миссиям мамлакат мустақиллигини ҳамда Ўзбекистоннинг жаҳон ҳамжамиятидаги тенг ҳуқуқли аъзо сифатида намоён бўлишини қўллаб-қувватлаш эди.

Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг айрим мамлакатлари қатори 1994 йил чегара қўшинларини тузди ва уларнинг яхлитлигини тўла таъминлади.

Иқтисодий мустақилликни таъминлаш ҳам муҳим вазифа эди. Ўзбекистон ўзининг миллий валютасини муомалага киритишга муваффақ бўлди.

*(Генри Кларк ўзининг мамлакатимиздаги дипломатик фаолияти тўғрисидаги китобини яқин вақт ичида нашр этиш ниятида эканини маълум қилди).*

**Стэнли Эскудеро (1995-1997 йиллар):**

— Ўзбекистон собиқ иттифоқнинг турли ҳудудларида фуқаролик ва чегара урушлари рўй бериб турган мураккаб бир даврда мустақилликни қўлга киритди. Бундай шароитда республика раҳбарияти мамлакатдаги кўп маданиятли ва кўп миллатли халқнинг бирдамлигини таъминлашга муваффақ бўлди.



Замонавий Ўзбекистон сиёсий ўтиш босқичини муваффақият билан ортда қолдириб, ўзининг улкан салоҳиятини теран англайдиган мамлакат сифатида интизомли ва меҳнаткаш халқи билан ижобий ўзгаришлар йўлидан ишонч билан одимламоқда.

**Жозеф Пресел (1997-2000 йиллар):**



— Ўзбекистон — Америка муносабатларини мустаҳкамлашга кўп йилларни сарфлаган ташқи ишлар вазири Абдулазиз Комиловнинг қўллаб-қувватлаши туфайли менинг Ўзбекистондаги миссиям муваффақиятли кечди.

**Жон Хёрбст (2000-2003 йиллар):**

— Америка Қўшма Штатларида 2001 йил 11 сентябрь воқеаларидан сўнг Ўзбекистон терроризмга қарши курашда муҳим шерик бўлиб қолди.

Барча йўналишлардаги ҳамкорликнинг мустаҳкамланиши ўзаро муносабатларни янги босқичга кўтарди — Биринчи Президент Ислом Каримовнинг 2002 йил март ойида АҚШга буюрган ташрифи чоғида АҚШ ва Ўзбекистон ўртасида Стратегик шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги декларация имзоланди.

**Ричард Норланд (2007-2010 йиллар):**

— Қатор мусулмон мамлакатлар ўша даврда АҚШга ишончсизлик билан муносабатда бўлиб турган бир шароитда аксарият аҳолиси ислом динига эътиқод қиладиган Ўзбекистон мамлакатимизга ижобий назар билан боқди.

Ўзбекистон ҳамиша барча қудратли давлатлар билан мувозанатлаштирилган сиёсат юритишга муваффақ бўлган.

**Жорж Крол (2011-2014 йиллар):**



— “General Motors Powertrain Uzbekistan” мажмуининг ишга туширилиши икки томонлама иқтисодий муносабатлардаги эсда қоларли муҳим воқеа бўлди. Бу янги автомобиллар ишлаб чиқаришига замин яратди.

Инсон ҳуқуқлари бўйича вазиятни яхшилаш юзасидан муҳим қадамлар қўйилди — болалар меҳнати ва мажбурий меҳнат муаммосини ҳал этишга кўмаклашиш учун мамлакатга Халқаро меҳнат ташкилотининг миссияси таклиф этилди.

Америка Қўшма Штатларининг Халқаро ривожланиш бўйича агентлиги (USAID) озиқ-овқат хавфсизлиги таъминланиши учун қишлоқ хўжалигига кўмаклашиш дастурини фаол амалга оширишни бошлади.

**Памела Спратлен (2015-2018 йиллар):**



— Икки томонлама муносабатлардаги кўтарилиш ва пасайишларга қарамасдан, АҚШ Ўзбекистоннинг мустақиллиги, суверенитети ва ҳудудий яхлитлигига содиқ бўлган ва шубҳасиз, шундай бўлиб қолади. Ўзбекистондаги ижтимоий-иқтисодий ва демократик ўзгаришларни ҳамда бутун минтақа тараққиётининг ҳаракатлантирувчи кучи сифатида мамлакат салоҳиятини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш ҳамиша бизнинг ўзгармас устуворлигимиз бўлган.

Ўзбекистон Президенти Шавкат Мирзиёев қатор кутилмаган чора-тадбирларни амалга оширди ва мамлакатда бугун мутлақо янги воқелик, одамларнинг порлоқ келажак ҳақидаги орзу-умидларини ҳаётга татбиқ этиш бўйича янги қатъият кузатилмоқда. У биринчи кунлардан бошлабоқ, мамлакатнинг иқтисодий тараққиёти ва халқнинг фаровонлиги ўзи учун асосий устувор вазифа ҳисобланишини аниқ-равшан билдирди.

Мамлакатда инсон ҳуқуқлари ҳимояси соҳасида аниқ қадамлар ташланди — БМТ махсус маърузачиси Аҳмад Шаҳид мамлакатга таклиф қилинди, диний эркинликларни таъминлаш, мажбурий меҳнатга қарши туриш бўйича салмоқли чора-тадбирлар кўрилди.

Очиқлик барча йўналишларда, шу жумладан, ташқи сиёсатда ҳам янги ёндашув бўлиб қолди. Дастлабки дастуруламал баёнотлардан аён бўлдики, янги Президент яхши қўшничилик муносабатларини мустаҳкамлашни ташқи сиёсатнинг асосий устуворлиги қаторига олиб чиқди.

Ана шундай ўзгаришлар шароитида 2018 йил май ойида Президент Шавкат Мирзиёевнинг Америка Қўшма Штатларига биринчи расмий ташрифи бўлиб ўтди, Оқ Уйда давлат котиби билан учрашувлар ўтказилди. Ўзбекистон раҳбарининг янги ислоҳотлар ва ўзгаришлар дастури Вашингтон томонидан кенг қўллаб-қувватланди.

**Дэниел Розенблюм (2019 йилдан буён):**



— Америка Қўшма Штатларининг Ўзбекистондаги ташқи сиёсий манфаатлари ҳамиша учта омил — мамлакатнинг жўғрофий жойлашуви, барқарорлиги ва суверенитети билан изоҳланган.

Менинг дипломатик миссиямдаги бешта асосий йўналиш хавфсизлик соҳасидаги ҳамкорликни чуқурлаштириш, Президент Шавкат Мирзиёевнинг кенг қамровли ислоҳотлар ва янгиланишлар дастурини қўллаб-қувватлаш, АҚШ ва Ўзбекистон ўртасидаги иқтисодий алоқаларни кенгайтириш, инсон ҳуқуқлари ва асосий эркинликларини ҳимоя қилиш ҳамда уларни илгари суриш бўйича саъй-ҳаракатларни қўллаб-қувватлаш ва маданий-гуманитар ҳамкорликни мустаҳкамлашдан иборатдир.

**“Дунё” АА**

*Вашингтон*

БУГУННИНГ ГАПИ

# ИЖОДКОР ЗИЁЛИ — ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ МАЪНАВИЙ-МАДАНИЙ ДУНЁСИНИ ЯРАТУВЧИ

**Муқимжон ҚИРҒИЗБОЕВ,**
**Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийси, сиёсий фанлар доктори, профессор**

Бошланиши 1-бетда

Шарқ Ренессанси шаклланишида Бағдоддаги “Байт ул-ҳикма”ни ташкил этишга шарт-шароит яратган халифалар Абу ал-Жаъфар (753-774 йй.), Хорун ар-Рашид (787-810 йй.), ал-Маъмун (813-833 йй.), Хоразмдаги “Дор ул-ҳикма ва маориф” (“Мажлиси уламо”)ни шакллантиришда Али ибн Маъмун (997-1010 йй.), Иккинчи Ренессанснинг шаклланишига ижодий муҳит яратган соҳибқирон Амир Темур (1370-1405 йй.), Шоҳруҳ (1409-1447 йй.), Мирзо Улуғбек (1409-1549 йй.) кабилар муҳим роль ўйнаганлар.

Ғарб Ренессансини бошлаб берган Флоренция Республикасида Козимо Медичи (1434-1464 йй.), Лоренцо Медичи (1469-1492 йй.), Францияда Франциск I (1515-1547 йй.), Генрих II (1519-1547 йй.), Екатерина Медичи (1547-1559 йй.), Карл IX (1560-1574 йй.) ва Генрих III (1574-1589 йй.), Германия ҳудудида Карл V Габсбург (1516-1556 йй.), Максимилиан I (1486-1519 йй.) каби ҳукмдорлар шахсан ўзлари юксак маърифий, адабий ва маданий қарашларга эга бўлгани учун ҳам улар бошқарган мамлакатларда Уйғониш даври юзага келди.

Демак, Ренессанс шаклланиши учун, албатта, давлат ва унинг етакчисининг ҳомийлиги, бу жараёнга бошчилик қилиши, шарт-шароит яратиши зарур бўлади. Мамлакатимиз тарихида жадидлар Ренессанси шаклланиши учун маърифатли сиёсий тизим, мутафаккир ҳукмдор етишмаган, аксинча, давлат тепасидаги ҳукмдорлар жадидлар ислоҳотларига ашаддий қаршилик қилган эди.

**Мамлакатимизда давлат раҳбари томонидан Учинчи Ренессанс пойдеворига тамал тошини қўйиш унинг Президентлик фаолиятининг дастлабки давриданоқ бошланди. Шу асосда янада улуғвор стратегик вазифа — Ренессанс руҳиятини ўзида ифода этадиган ижодкор зиёлилар ижтимоий қатламини шакллантириш режаси шаклланди.**

Президентимизнинг 2017 йил 3 августда зиёлилар билан учрашуви шунчаки оддий мулоқот эмас, балки янги Ўзбекистонга хос бўлган ижодкор зиёлиларни шакллантиришдаги муаммоларни ва уларнинг ечимларини аниқлаш, юқори ижодий даражаларга кўтарилиш шарт-шароитларини яратиш, зиёлиларни ҳаракатга келтириш, уларнинг маърифий уйғонишдаги асосий янги мақсад ва вазифаларини аниқлаштириш каби эзгу ниятлар зарурати эди. Масаланинг долзарблиги, унинг мамлакат тараққиёти билан узвий боғлиқ экани бу тадбир танқидий руҳда ўтишига сабаб бўлди.

Учрашувда зиёлиларнинг ҳозирги фаолияти халқимизни қониқтирмаётгани, уларда янги-янги ижодий ғоя ва ташаббуслар билан яшаш, изланиш руҳи етишмаётгани, ижодий муҳит қандайдир турғунликка тушиб, бир жойда депсиниб тургандай, аксарият ижодкорлар ўз ташвиш ва муаммолари билан ўралашиб қолгандай таассурот пайдо бўлгани таъкидланиб, адабий ва маданий соҳадаги жиддий муаммоларнинг сабаблари ва илдизлари очиб берилди.

Шунингдек, давлатимиз раҳбари зиёлиларнинг жамиятда уйғониш пойдеворини қуришдаги тарихий ролини ойдинлаштириб, маданият ва санъат арбоблари ҳамиша жамиятни ривожлантириш йўлида янги ғоялар генератори бўлишини қайд этиб, улар ўз асарлари, фаол фуқаролик позицияси билан одамларни эзгу мақсад ва марралар сари бошлаши, илҳомлантириши керак эмасми, деган саволни ўртага ташлади.

Шу билан бирга, ижодий уюшмалар ва маданият соҳасидаги давлат идоралари фаолиятида тадбирбозлик, хўжакўрсинга ишлаш, сусткашлик ва лоқайдлик кайфияти пайдо бўлгани, уларнинг аксарияти фақат юқоридан буйруқ кутиб ишлашга ўрганиб қолгани, фаолиятида умумий мақсад учун жон куйдириш, ташаббус ва ташкилотчилик сезилмаётгани каби нохуш ҳолатларни танқид қилди.

Ижодкор зиёлилар ўртасида танқидий руҳ сезилмаётганини “соғлом танқид, баҳс ва тортишув бўлмаган жойда чинакам ижод бўлмайди”, деган азалий аксиома билан далиллаб берди. Учрашувда кўтарилган энг катта муаммолардан бири замонавий қаҳрамон образини яратиш масаласи бўлди.

Албатта, учрашувда Президент томонидан тилга олинган масалалар мазмун-моҳиятига синчиклаб эътибор берсак, уларнинг ҳаммаси адабиёт, санъат ва маданиятнинг жамият маънавий ҳаётини ривожлантириш, улар таъсирида халқимиз маънавий дунёсини бойитиш, жамият ва давлатни баркамол ёшларга мерос қилиб қолдиришдек эзгуликларга дахлдор. Бошқачароқ айтсак, Учинчи Ренессанс учун ижтимоий-маданий шарт-шароитлар, инсоний салоҳиятни шакллантириш истиқболлари ва тадориклари тўғрисида сўз кетмоқда.

Ренессанслар тарихи буюк мутафаккирлар номию мерослардан иборат. Шунинг учун ҳам АҚШнинг машҳур қўшиқчиси Жон Фогерти “Шоирлар ва рассомларга нисбатан икки марта кўп ҳуқуқшунослар тайёрлайдиган жамият ҳалокатга маҳкум”, деганида минг марта ҳақ эди.

Ўша тарихий учрашувдан кейинги тўрт йил ичида Президентнинг санъат ва маданиятни ривожлантиришга оид қатор фармон ва қарорлари, ҳукумат қарорлари қабул қилинди. Хусусан, Президентимизнинг 2017 йил 1 ноябрдаги “Маданият ва санъат ташкилотлари, ижодий уюшмалар ва оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада ривожлантириш, соҳа ходимлари меҳнатини рағбатлантириш бўйича қўшимча шароитлар яратишга доир чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарорига биноан, маданият ва санъат соҳаларидаги истеъдодли ва истиқболли ёшларнинг уй-жойга бўлган эҳтиёжини инобатга олиш, илм-фан, адабиёт ва санъат асарлари нашр этилгани учун муаллифлик ҳақининг энг кам ставкаларини ошириш чоралари кўрилди.

Вазирлар Маҳкамаси қарори билан Маданият вазирлиги тизими муассасаларининг бюджетдан ташқари маблағлари ва даромадлари жамғарилишини таъминлаш, Маданият вазирлиги тизими муассасаларининг моддий-техник базасини мустаҳкамлаш ва ходимларини моддий рағбатлантириш мақсадида вазирлик ҳузурида Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилди.

2018 йил 28 ноябрда Президент қарори билан Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепцияси тасдиқланди. Концепциянинг асосий мақсадларидан бири маданиятнинг устуворлигига урғу бериш, жамият ҳаёти сифатининг янада юқори даражасини таъминлаш, унда фуқароларнинг ҳамжиҳат бўлишига эришиш, маънавиятли, масъулиятли, мустақил фикрловчи ижодкор шахсни шакллантириш деб белгиланди. Умуман, концепцияда маданият ва санъатнинг барча жабҳаларини ривожлантириш назарда тутилди.

Маданият вазирлиги маълумотларига кўра, 2020 йилга келиб мамлакатда маданият марказлари сони 826 тага етди. Бу марказлар таркибида 4 522 та тўгарак фаолият юритиб, уларда 52 970 нафар ҳаваскор (уларнинг 37 340 нафари ёшлар) қатнашди. Улардаги халқ ҳаваскорлик жамоаси мақомига эга бўлган 482 та жамоада 5 000 дан ортиқ ҳаваскор бор. 367 та маданият маркази тубдан таъмирланди.

Тасвирий ва амалий санъат соҳаларида миллий меросимизни тиклаш, яъни Иккинчи Ренессанснинг йирик вакили Камолиддин Беҳзоднинг бой ижодий меросини халқимизга тўла етказиш, соҳа ривожига катта ҳисса қўшган атоқли рассом ва халқ усталари хотирасини абадийлаштириш, ижодий йўналишда олий ўқув юртидан кейинги таълимни ташкил этиш, кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш ҳамда тасвирий ва амалий санъат ҳамда дизайн соҳаси самарадорлигини янада ошириш мақсадида 2020 йил 21 апрелда Президентимизнинг “Тасвирий ва амалий санъат соҳаси самарадорлигини янада оширишга доир чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга кўра, Камолиддин Беҳзод таваллудининг 565 йиллигини кенг нишонлашга тайёргарлик кўриш ва уни ўтказиш бўйича ташкилий қўмита таркиби тасдиқланди, уни нишонлашга оид чора-тадбирлар режаси белгиланди.

Давлатимиз раҳбарининг 2020 йил 26 майдаги “Маданият ва санъат соҳасининг жамият ҳаётидаги ўрни ва таъсирини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонида Ўзбекистон Республикасида миллий маданиятни янада ривожлантириш концепциясини амалга ошириш, соҳада замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий этиш, республиканинг барча ҳудудларида театр, музей, кўчма цирк ва ҳайвонот боғлари фаолиятини доимий равишда йўлга қўйиш, маданият ва санъат соҳасидаги ислоҳотларни жадал давом эттириш, маданият органлари ва муассасалари фаолиятини янада такомиллаштириш вазифалари қўйилди.

Фармонда маданият ва санъат соҳаси ривожланиши учун шарт-шароит яратиш, ижодкор зиёлиларга ижтимоий ва давлат буюртмалари беришнинг ҳуқуқий асослари мужассамлашди. Шунингдек, унда Ўзбекистон давлат консерваториясининг ўзбек мақом санъати факультети ҳамда Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институтининг тегишли таълим йўналишлари ва мутахассисликлари негизида мақом ижрочилиги, бахшичилик ва катта ашула йўналишлари бўйича кадрлар тайёрловчи таянч олий таълим муассасаси — Юнус Ражабий номидаги Ўзбек миллий мусиқа санъати институти, давлат муассасаси шаклидаги Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилди. Республика ихтисослаштирилган эстрада ва цирк мактаби Карим Зарипов номидаги Республика эстрада ва цирк коллежи этиб қайта ташкил этилди. В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа академик лицейлари тегишлича В.Успенский ва Р.Глиэр номидаги Республика ихтисослаштирилган мусиқа мактабларига айлантирилди. Ўзбекистон давлат консерваторияси ҳузуридаги иқтидорли болалар академик лицейи ҳамда Тошкент ихтисослаштирилган маданият мактаби негизида Маданият вазирлиги тизимида Республика мусиқа ва санъат коллежи ташкил этилди. Бу билан маданият ва санъат соҳаси учун кадрлар тайёрлашнинг янги тизими шакллантирилди.

Президентимизнинг мазкур фармонига биноан, Маданият вазирлигига маданият марказлари учун янги бинолар қуриш, реконструкция қилиш, капитал таъмирлаш ва жиҳозлаш режалари белгиланди. Шундан келиб чиқиб, 459 та янги маданият маркази қуриш, реконструкция қилиш ва таъмирлаш белгиланди.

Мамлакатимизда 4 748 та археология ёдгорлиги, 2 250 та архитектура ёдгорлиги, 678 та монументал санъат ёдгорлиги, 532 та диққатга сазовор жой, жами 8 208 та объект моддий-маданий мероснинг кўчмас мулк объектлари миллий рўйхатига киритилган. Уларни муҳофаза қилиш ғоят муҳим масала экани инобатга олиниб, Президент фармонида Маданий мерос департаменти фаолиятини мутлақо янги принциплар асосида ташкил этиш назарда тутилди. Шунингдек, маданий мерос объектларининг аксарияти қадимийлиги, уларни асрашда вужудга келган муаммоларни, бу жараёнларни замонавий фан ва технологиялар-сиз амалга ошириш мушкуллиги эътиборга олиниб, Маданият вазирлиги ҳузурида Маданий мерос илмий-тадқиқот институти ташкил этилгани муҳим воқеа бўлди.

2020 йил 26 майда давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикаси Маданият вазирлиги фаолиятини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори қабул қилинди. Унга биноан, Маданият вазирлиги тизими — вазирлик, ҳудудий маданият бошқармалари, туман ва шаҳар маданият бўлимлари ходимлари учун давлат бюджетидан соҳадаги харажатлар учун Маданият ва санъатни ривожлантириш жамғармасига ажратиладиган маблағлар ҳисобидан ходимларга лавозим маошига белгиланган коэффициентларда моддий рағбатлантириш учун қўшимча пул тўлаш жорий этилди.

**ПРЕЗИДЕНТИМИЗНИНГ 2017 ЙИЛ 3 АВГУСТДА ЗИЁЛИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ ШУНЧАКИ ОДДИЙ МУЛОҚОТ ЭМАС, БАЛКИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНГА ХОС БЎЛГАН ИЖОДКОР ЗИЁЛИЛАРНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ МУАММОЛАРНИ ВА УЛАРНИНГ ЕЧИМЛАРИНИ АНИҚЛАШ, ЮҚОРИ ИЖОДИЙ ДАРАЖАЛАРГА КЎТАРИЛИШ ШАРТ-ШАРОИТЛАРИНИ ЯРАТИШ, ЗИЁЛИЛАРНИ ҲАРАКАТГА КЕЛТИРИШ, УЛАРНИНГ МАЪРИФИЙ УЙҒОНИШДАГИ АСОСИЙ ЯНГИ МАҚСАД ВА ВАЗИФАЛАРИНИ АНИҚЛАШТИРИШ КАБИ ЭЗГУ НИЯТЛАР ЗАРУРАТИ ЭДИ. МАСАЛАНИНГ ДОЛЗАРБЛИГИ, УНИНГ МАМЛАКАТ ТАРАҚҚИЁТИ БИЛАН УЗВИЙ БОҒЛИҚ ЭКАНИ БУ ТАДБИР ТАНҚИДИЙ РУҲДА ЎТИШИГА САБАБ БЎЛДИ.**

Президент фармонлари ва қарорлари ижросини таъминлаш асносида Маданият вазирлиги тизимида 2017-2020 йилларда 12 та янги — Мўйноқ Экология музейи, Шаҳрисабз шаҳрида Мақом музейи, Фарғона вилоятида Эркин Воҳидов уй-музейи ҳамда мемориал музейи, Ҳазиний уй-музейи, Қўқон шаҳрида Буюк алломалар музейи, Бухоро вилоятида Мутал Бурхонов уй-музейи, Самарқанд вилоятида Эргаш Жуманбулбул ўғли ёдгорлик музейи, Наманган вилоятида Исҳоқхон Ибрат, Жиззах вилоятида Ҳамид Олимжон ва Зулфия, Шароф Рашидов ёдгорлик музейлари, Тошкент шаҳрида Абдулла Қодирий уй-музейи ҳамда Абдулла Қодирий мемориал музейи ишга туширилди.

Президентимиз 2020 йил 20 ноябрда киноижодкорлар билан учрашди. “Ўзбекфильм” киностудиясига ташриф буюрди ва шу ерда кино санъати фахрийлари, режиссёрлар, соҳа мутасаддилари билан суҳбатлашиш чоғида қуйидаги фикрни билдирди: “Кино жуда мураккаб, халқимиз, жамиятимиз учун муҳим соҳа. Илгари “Ўзбекфильм” студияси хароба ҳолга келиб қолганди. Кўп жойлари, бинолари ижарага бериб юборилганди. Мана, ҳаммаси ўз эгасига — киночиларга қайтарилди. ...Етарли эътибор бўлмагани сабабли мамлакат кино санъатида турғунлик пайдо бўлган эди. Фақат енгил-елпи, тижорат картиналари яратилиб, соҳа ривожи дунёдан ортда қолиб кетди”.

Дарҳақиқат, ўзбек миллий киноси жаҳонда машҳур кинофильмлар ишлаб чиқариш даражасига кўтарила олмади. Янги тарихий фильмлар — “Имом Термизий”, “Исломхўжа”, “Элпарвар”, “Қўқон шамоли”, “101”, “Ибрат” ҳали мамлакатимиз ҳудудидан ташқарига чиққани йўқ. Шунинг учун ҳам давлат раҳбарининг “Юртимиз тарихи ҳақида албатта фильм бўлиши керак. Бунга вақт келди”, деган талаби адолатлидир.

Давлатимиз кейинги тўрт йилда кино ижодкорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаб келмоқда. 60 йил илгари қурилган, ташландиқ ҳолатга келиб қолган “Ўзбекфильм” киностудияси биноси давлатимиз раҳбари ташаббуси билан тўлиқ янги қиёфа касб этди. Янги қурилган иккита суратга олиш павильони, иккита студия ишга туширилди. Кинофильмларни яратиш, бу соҳадаги ижодкорлар ижтимоий ҳаётини яхшилашга оид чора-тадбирлар кўрилди. Албатта, халқимиз кино ижодкорлар томонидан яқин йиллар ичида Ренессанс ва замонамиз қаҳрамонларининг барча қирраларини намойиш қиладиган сара фильмлар яратишига умидвор бўлиб турибди. Ҳозирги даврда Ренессанс пойдеворини яратишда кинодан таъсирлироқ куч йўқ.

Президентимизнинг 2020 йил 6 ноябрдаги “Ўзбекистоннинг янги тараққиёт даврида таълим-тарбия ва илм-фан соҳаларини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони миллий таълим-тарбия тизимини замон талаблари асосида модернизация қилиш, ёшларни юксак билим-маърифат эгалари, жисмоний ва маънавий соғлом инсонлар этиб тарбиялаш, таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог ходимлари нуфузини ошириш, уларнинг самарали фаолият юритиши учун зарур шарт-шароитлар яратиш мақсадини қўйди.

Мазкур фармонни ҳаётга жорий этиш асносида ёшлар ичидан бўлажак ижодий зиёлилар шаклланишига зарур шарт-шароит яратиш мақсадида 2021 йил 1 апрелдан бошлаб мактабларда ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи лавозими жорий этилди.

Мамлакатимиздаги 10 008 та умумтаълим мактабида жами 2 451 нафар, шулардан 730 нафар ёзувчи, шоир, ижодкор ва журналист, олий таълим муассасалари ижтимоий гуманитар кафедраларининг 1 721 нафар профессор-ўқитувчиси ижодий-маданий масалалар бўйича тарғиботчи сифатида фаолият юрита бошлади. Улар олдига бадиий адабиёт орқали ўқувчилар қалбида миллий руҳ, ватанпарварлик, миллатпарварлик туйғуларини тарбиялаш, китобхонликни ривожлантириш, ижодий қобилиятга эга бўлган ўқувчиларни аниқлаш, саралаш, улар учун ижодий тўгараклар ташкил этиш ҳамда режа асосида маҳорат сабоқларини олиб бориш вазифаси қўйилди. Уларга ҳақ тўлашнинг молиявий манбалари аниқлаштирилди. Шу тариқа адабиёт ва санъат мактаб ўқувчилари орасига кириб борди. Тошкент шаҳрининг ўзида мактабларга 314 шоир, ёзувчи, санъаткор, ижтимоий-гуманитар фанлар профессор-ўқитувчилари жалб этилди.

Давлатимиз раҳбарининг ижодкор зиёлилар вакиллари билан учрашувидаги маърузасини Ренессанс пойдеворини шакллантириш стратегиясининг энг муҳим йўналишларидан бири сифатида баҳолаш мумкин. Иқтисодиёт, ижтимоиёт, сиёсий тизим каби соҳаларда чуқур ислоҳотлар самараси ўзини намоён қилаётган бир пайтда маданий ва маънавий ҳаётнинг орқада қолишига йўл қўйиб бўлмасди. Шунинг учун ҳам Ренессанснинг кўзга тез ташланадиган, халқаро ҳаётга кучли таъсир этадиган олий даражадаги санъат, адабиёт ва маданият асарларини яратиш давлат сиёсатининг муҳим йўналишига айланди.

Ренессанс сўзи қанчалик жарангли эшитилмасин, уни қуришга инсон салоҳияти ва тафаккурининг кучи етади. Чунки ренессанс деганда, аввало, инсоннинг ўз эркинлиги ва ижодий салоҳиятини намойиш эта олиш даражасига эришиши, ўз ҳаётининг мазмунли эканини ҳис этиши, юксак санъат ва маданият асарларини ярата олиш қобилиятини эгаллаши, ўз меҳнати роҳатини кўриши каби инсоний олий қадриятлар кўз олдимизга келади. Қисқа қилиб айтганда, ренесссанс бу — инсоннинг, халқнинг уйғониши демакдир. Шунинг учун ҳам Президентимиз Ренессанс пойдеворини қуришга астойдил, ғайрат-шижоат билан киришди. У бу йўлда ҳар қандай тўсиқларни енгиб ўтмоқда, ўзи бошлаган ва амалга ошираётган ислоҳотлар истиқболларига чин дилдан ишонади. Албатта, бу туб ўзгаришлар, биринчи навбатда, халқ учун, унинг фаровонлиги, дунёга танилиши учун амалга оширилмоқда.

**Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг қисқа давр ичида мамлакатда амалга оширган ислоҳотларининг натижаларини идрок этар экансан, яна бир бор тарихда шахснинг роли беқиёс баланд эканини ҳис қиласан киши. Бир шахснинг давлат ҳокимияти бошқаруви тепасига келиши мамлакат қиёфасини, халқ дунёқарашини шунчалик тез ўзгартириб юбориши, албатта, ҳайратланарли ҳодисадир. Шу паллада беихтиёр соҳибқирон Амир Темурнинг қуйидаги пурҳикмат фикри эсга тушади: “Тажрибамда кўрилганким, азми қатъий, тадбиркор, ҳушёр, жанг кўрган, мард, шижоатли бир киши мингта тадбирсиз, лоқайд кишидан яхшироқдир. Чунки тажрибали бир киши минглаб кишига иш буюради”.**

Биргина ижодий зиёлилар шарт-шароитлари ва фаолликларини ошириш соҳасидаги сиёсатни амалга ошириш бизнинг қайси йўлдан кетаётганимизни англатади. Бу йўл “Янги Ўзбекистон” деб аталадиган тараққиётнинг мутлақо янги босқичидир, Учинчи Ренессанс пойдеворига тамал тоши қўйиш давридир. Бошқача айтганда, янги Ўзбекистонни жаҳонга танитиш, замонавий цивилизациялашув ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш даврига киришдир.

**“РЕНЕССАНС ШАКЛЛАНИШИ УЧУН, АЛБАТТА, ДАВЛАТ ВА УНИНГ ЕТАКЧИСИНИНГ ҲОМИЙЛИГИ, БУ ЖАРАЁНГА БОШЧИЛИК ҚИЛИШИ, ШАРТ-ШАРОИТ ЯРАТИШИ ЗАРУР БЎЛАДИ. МАМЛАКАТИМИЗ ТАРИХИДА ЖАДИДЛАР РЕНЕССАНСИ ШАКЛЛАНИШИ УЧУН МАЪРИФАТЛИ СИЁСИЙ ТИЗИМ, МУТАФАККИР ҲУКМДОР ЕТИШМАГАН, АКСИНЧА, ДАВЛАТ ТЕПАСИДАГИ ҲУКМДОРЛАР ЖАДИДЛАР ИСЛОҲОТЛАРИГА АШАДДИЙ ҚАРШИЛИК ҚИЛГАН ЭДИ.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОНДА

## Азалдан файзи бор бунда қуёшнинг

**Ўзгача мазали Чуст ошидан тановвул қилмабсиз, бу дунёга келмабсиз. Замонавий тилда айтганда, гастрономик туризмга кирадиган рўйхатни давом эттирсак, Косонсойнинг мантилари, Норин ва Мингбулоқнинг балиқлари, Янгиқўрғоннинг Нанайидаги бешбармоқ таоми анча машҳур. Наманган шаҳрида тандирга косаси билан ёпиладиган сомса ҳам ўзига хослиги билан ажралиб туради. Бундан ташқари, Учқўрғонда қулупнай, Тўрақўрғонда гилос, Чустнинг Ахчасида узум, Мингбулоқда тарвуз, Попда қовун сайли каби тадбирларнинг ўтказилиши ҳам маҳаллий ва хорижий сайёҳларни ўзига жалб қилмоқда.**

Президентимиз раислигида 2020 йил 9 декабрь куни туризмни ривожлантириш ва спортни оммалаштириш масаласида ўтказилган видеоселектор йиғилишида Наманган вилоятига ҳам алоҳида эътибор қаратилиб, туристик салоҳияти юқори бўлган Поп, Янгиқўрғон ва Чортоқ туманларида сайёҳликни ривожлантириш бўйича дастурларни амалга ошириш юзасидан топшириқлар берилди.

Дарҳақиқат, улуғ шоиримиз Ғафур Ғулом ўзининг Наманган ҳақидаги машҳур шеърида таърифлаганидек, “азалдан файзи бор” бу сўлим диёр табиатининг гўзаллиги, шарқироқ сойлари, қирмизи олмалари, меҳмондўст, ширин тилли одамлари билан ном қозонган. Оташнафас шоир Бобораҳим Машраб, Муҳаммадшариф Сўфизода, Зафар Диёр, Нодим Намонгоний, Йўлдошхўжа Хилватий, Чустий, Шўхий, Чархий, Исҳоқхон Ибрат, Усмон Носир, Ҳабиб Саъдулла каби ёрқин истеъдод эгаларига, Камолиддин Раҳимов, Ҳабиба Охунова, Ўринбой Нуралиев сингари улуғ санъаткорларга бешик бўлган табаррук маскандир.

ишлари бажарилди. Унинг таркибидаги масжид, мақбара, музей реставрация қилинди, кутубхона, меҳмонхона бунёд этилди. Зиёратгоҳнинг сўлим табиати ва шифобахш булоқлари, айниқса, музейда сақланаётган Қуръони каримнинг қўлёзма нусхаси келганларда катта таассурот қолдирмоқда. Бир сўз билан айтганда, зиёратчилар учун барча шароитлар яратилди. Айни кунларда Наманган-даги 24 та зиёратгоҳни ободонлаштириш, реставрация қилиш юмушлари якунланмоқда.

Наманган шаҳридаги “Муҳаммадали файзли боғбон” МЧЖ томонидан барпо этилган 7 қаватли меҳмонхона 163 ўринга мўлжалланган. Мазкур меҳмонхона қурилиши учун жами 40 миллиард сўм маблағ сарфланди ва 40 та янги иш ўрни яратилди. Йил давомида 40 минг нафар маҳаллий ва хорижий меҳмонга хизмат кўрсатиш имконияти мавжуд.

Вилоятнинг Поп тумани ҳудудида жойлашган Арашан кўллари Ўзбекистоннинг энг гўзал, бетакрор ва сирли масканлари қаторига киради. Денгиз сатҳидан 3 минг метр баландликдаги ушбу кўллар

# КУН САЙИН ЯНГИЛАНАЁТГАН

## Изчил ислоҳотлар самараси

**— Сиз Наманган туманига, Наманган шаҳрига ҳоким бўлгансиз, ҳозирда вилоятни бошқаряпсиз. Демоқчимизки, туманлар ва марказ ҳаётини яхши тушунасиз. Ҳудудлардаги муаммоларни бартараф этишда, аҳоли мурожаатлари билан самарали ишлашда қайси омиллар муҳим роль ўйнамоқда?**

— Тўғриси, деярли ҳар куни вилоят марказидан тортиб чекка ҳудудлар ҳаёти билан шахсан танишгани бораман. Сектор ва ташкилот раҳбарларига вазифани ўз вақтида, сифатли бажариш учун намуна бўлишга ҳаракат қиламан. Юртдошларимизнинг фикрлари билан доимо қизиқаман, тез-тез сайёр қабуллар уюштираман. Бажараётган ишларимдан тўла қониқмасам-да, лекин яхши натижалар ҳам бор.

Ютуқлар ҳам, камчиликлар ҳам ўзимизники, албатта. Бугун замон билан ҳамнафас бўлмаган, оммавий ахборот воситалари ва ижтимоий тармоқларни кузатмаган, китоб-газета ўқимаган раҳбар дарров орқада қолади. Пастга тушиб, оддий одамлар муаммоларига қулоқ солган, уларнинг мурожаатларига жиддий аҳамият қаратган, ўзини қийнаб, элим деб, юртим деб ёниб яшаган мутасаддиларгина фуқаролар қалбидан жой олади. Шу маънода, аслида, туман, шаҳар ҳокимлари фаолиятига ҳақиқий баҳони халқ беради.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида 23 июль куни ўтказилган аҳоли мурожаатлари билан ишлаш тизимини янгича ташкил қилиш чора-тадбирлари бўйича видеоселектор йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари одамларни мурожаат қилишга мажбур этаётган муаммоларни маҳалланинг ўзида бартараф қилиш кераклигини таъкидлади. Бунинг учун вилоят, туман ва шаҳар ҳокимлари бир ҳафтада икки кунни фуқароларни қабул қилишга ажратиши, шунингдек, ҳокимликларда кунлик қабул йўлга қўйилиши белгиланди. Алоҳида таъкидландики, ҳар бир ҳокимнинг кабинети “халқ қабулхонаси” бўлади. Мурожаатларни кўриб, нималарга эътибор қилиш бўйича ҳар бир раҳбарнинг стратегияси бўлиши керак. Аҳоли тўғридан-тўғри туну кун мурожаат қилиши учун ҳокимларнинг виртуал қабулхонаси ва ижтимоий тармоқларда алоҳида саҳифаларини ташкил этиш вазифаси қўйилди.

Давлатимиз раҳбарининг 2019 йил 3 октябрдаги “Ўзбекистон Республикасида кадрлар сиёсати ва давлат фуқаролик хизмати тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармони, худди шу санада қабул қилинган “Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги фаолиятини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарорига мувофиқ 2021 йил иккинчи чораги якунлари бўйича энг муҳим самарадорлик кўрсаткичига эришилиши юзасидан Наманган вилояти туман ва шаҳар ҳокими ҳамда ўринбосарларининг рейтинг натижаларига кўра, Тўрақўрғон, Янгиқўрғон, Мингбулоқ, Норин, Учқўрғон туманлари юқори ўринларни банд этган. Давлатимиз раҳбарининг 2021 йил 22 июль куни қабул қилинган “Вазирликлар, давлат қўмиталари, давлат бошқарувининг бошқа органлари ва хўжалик бирлашмалари раҳбарлари ўринбосарларининг фаолияти самарадорлигини баҳолаш тизимини жорий этиш тўғрисида”га қарори ҳам ўз вақтида чиққан ҳужжат бўлди.

**— Очиғини айтиш керак, аввалларибошда Наманган қишлоқ хўжалиги ва енгил саноати ривожланган вилоят сифатидагина билишарди. Бугунги кунда эса ҳудуд улкан бунёдкорлик майдонига айланган. Сўнгги беш йилда барча йўналишларда хорижий давлатлар билан халқаро ҳамкорликни йўлга қўйишда етакчи вилоятлардан бирига айланмоқда. Наманганнинг иқтисодий салоҳияти ўсишига, инвестициявий жозибадорлиги ошишига ҳисса қўшаётган йирик лойиҳалар ҳақида гапириб берсангиз.**

— 2017–2021 йилларда вилоят саноат соҳасида юқори ўсишларга эришди. 2017 йилда ялпи ҳудудий маҳсулотда саноатнинг улуши 11 фоизни ташкил этган бўлса, соҳани ривожлантириш бўйича олиб борилган саъй-ҳаракатлар самараси ўлароқ 2021 йилга келиб бу кўрсаткич 14 фоизга етиши кутилмоқда. Тўрақўрғон туманида “Mitsubishi Corporation” ва “Mitsubishi Hitachi Power Systems” ҳамкорлигидаги қуввати 900 МегаВатт/соат Тўрақўрғон иссиқлик электр станцияси ишга тушиб, бугун бу ерда 200 нафардан зиёд ишчи-хизматчи меҳнат қилмоқда. Мазкур йирик лойиҳани амалга ошириш натижасида Фарғона водийсининг электр энергиясига бўлган эҳтиёжи қондирилди. Тумандаги “Gold Fresh Fruts” МЧЖ йилига 40 минг тонна мева-сабзавот маҳсулотини қайта ишлаб, 20 миллион долларлик маҳсулотни экспортга чиқаришни режалаштирган.

Наманган туманида “Merry Med Farm” қўшма корхонаси томонидан қиймати 10 миллион долларлик, йилига 20 миллион флакон антибиотик ва инфузия эритмалари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. Наманган шаҳридаги “Kadeer Parts Industry” МЧЖда 45,4 миллиард сўмлик автомобилларнинг ёритиш ва пластмасса эҳтиёт қисмларини ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга туширилиб, 150 та янги иш ўрни яратилди. Шунингдек, шаҳарнинг “Юксалиш” кичик саноат зонасидаги “Flat tile” МЧЖ томонидан 27,6 миллиард сўмлик кафел-керамика маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси ишга тушиши туфайли 410 нафар аҳоли иш билан таъминланди.

Косонсой туманида “Чашмаи сафед” фермер хўжалигида 1 000 бош наслли қорамол парваришланмоқда. Фермер хўжалиги кўп тармоқли бўлиб, 180 та иш ўрни мавжуд, йилига 270 тонна сутни қайта ишлайди. Хўжалик сут маҳсулотларини тўлиқ ҳажмда ички бозорга йўналтиряпти.

Учқўрғон туманидаги йилига 9 минг тонна томат маҳсулотлари тайёрлайдиган “Муҳаммадали ҳамкор бизнес” МЧЖда 400 та иш ўрни яратилди. Корхона жорий йилнинг 6 ойи якуни бўйича 350 минг долларлик маҳсулотини экспорт қилди. Мазкур тумандаги “DB Group Fish Treding” корхонасида йилига 4 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариляпти ва 200 минг долларлик маҳсулот четга сотилмоқда. Корхонада ҳозирда 25 нафар доимий ишчи меҳнат билан банд.

— Мазмунли суҳбатингиз учун раҳмат, давлат ва халқ манфаатлари йўлидаги фаолиятингизга муваффақиятлар тилаймиз!

**Орифжон ЖЎРАЕВ суҳбатлашди.**

Бошланиши 1-бетда

Айни пайтда барча туманлар марказларида ободонлаштириш ишлари жадал суръатларда олиб борилмоқда. Кўчалар, майдонлар истиқлолга бағишланган панно ва шиорлар билан безатиляпти. Вилоят маданият бошқармаси ижодий гуруҳи томонидан “Янги Ўзбекистонда эркин ва фаровон яшайлик!” ғоясини ўзида мужассам этган янги дастурлар тайёрланмоқда. Меҳр-мурувват ёрдами кўрсатиш ишларига алоҳида эътибор қаратилиб, вилоятдаги “Саховат” ва “Мурувват” уйларида яшовчилар, “Меҳрибонлик уйи” тарбияланувчилари ҳолидан хабар олишга борилади.

Мустақилликнинг 30 йиллиги байрами кунлари 100 дан зиёд ижтимоий ва инфратузилма объектларини фойдаланишга топшириш режалаштирилган. Байрамга қадар умумий қиймати 149,6 миллион долларлик 8 та йирик инвестиция лойиҳаси ишга туширилиши натижасида 2 980 та янги иш ўрни яратилади. Мисол учун, Поп туманида Хитойнинг “Nanjing c-hope cement engineering group” компанияси билан ҳамкорликда “Поп цемент” МЧЖ томонидан цемент маҳсулотлари ишлаб чиқариш лойиҳаси амалга оширилиши натижасида 300 та фуқаро ишли бўлади. Бундан ташқари, Чуст туманида Хитойнинг яна бир “Tai Chang Special Steel” компанияси томонидан қиймати 50 миллион долларлик металлни қайта ишлаш, мих ва сеткалар ишлаб чиқарадиган корхона иш бошлайди. Бу орқали 800 та янги иш ўрни яратилишига ҳамда йилига 50 минг тонна қурилиш материаллари тайёрланишига эришилади.

Инвестиция дастури доирасида 2021 йилда 106 та объектда 609,7 миллиард сўмлик қурилиш ишларини бажариш режалаштирилган. Ҳозиргача 213 миллиард сўмлик қурилиш ишлари амалга оширилди. “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” давлат дастурлари доирасида 2021 йилда вилоятда жами 775 та маҳалланинг меъморий қиёфасини янгилаш ва ҳудудларини ободонлаштириш бўйича жами 2 триллион 304 миллиард сўмлик ишлар бажарилиши керак. Мазкур дастурларга киритилган 22 та қишлоқ ва 4 та маҳалла бош режалари ишлаб чиқилиб, тасдиқланди ҳамда ҳозиргача жами 509,2 миллиард сўм маблағ ўзлаштирилди.

Наманган қадим тарихи, осори-атиқалари билан ҳам ажралиб туради. Тўрақўрғон туманидаги Ахсикент археологик ёдгорлик мажмуаси ана шулардан бири. Ахсикент эрамиздан аввалги III асрда ташкил топган бўлиб, қадимги Фарғона давлатининг пойтахти, Буюк ипак йўлининг асосий шаҳарларидан бири бўлган. Давлатимиз раҳбари 2019 йилда Наманганга ташрифи чоғида ушбу ёдгорлик мажмуасида ҳам бўлиб, тегишли топшириқлар берганди. Ахсикент тарихий ёдгорлигини асраб-авайлаш ва тадқиқ этиш, унинг ҳаққоний тарихини яратиш бўйича катта ишлар бошланган. Президентимиз мазкур тарихий қадамжода

Самарқанддаги анъанавий “Шарқ тароналари” сингари фестиваль ўтказиш, бунинг учун шу жойда ҳам миллийликни, ҳам замонавийликни ўзига мужассамлаштирган катта томошахона лойиҳасини тайёрлаш ишларини жадаллаштириш зарурлигини таъкидлаганди.

Чуст шаҳрининг Мавлоно Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғи ҳамда зиёратгоҳи бир йилда 250 минг, бир кунда 6-7 минг кишига хизмат кўрсатади. Боғ ҳудуди марказида жойлашган Мавлоно Лутфуллоҳ мақбараси ҳозир қайта таъмирланмоқда. Ўзбекистоннинг илк халқ ёзувчиси Муҳаммадшариф Сўфизода ва шоир Чустий бюсти ёнига чустлик болалар шоири Зафар Диёр бюсти ўрнатилди. Атроф янада ободонлаштирилиб кўкаламзорлаштирилмоқда. Боғ ўртасида замонавий рангли-мусиқали фаввора барпо этилди. Тўққизта шифобахш булоқ жойлашган хиёбонда бетакрор, салқин иқлим борки, жазирама кунларда ҳам боғ ташқарисидаги ҳудуд билан 7 даража паст ҳароратга фарқ қилади.

Тобора чирой очаётган, бронза даврига оид Бибиона зиёратгоҳи қадимги Чуст шаҳрининг марказида жойлашган қалъа бўлган. Унда учта катта булоқ бўлиб, шифобахшлиги билан ном қозонган. Ҳудудда рамзий мақбара, масжид ва меҳмонхона бунёд этилган. Майдондаги қазилма ишлари давом эттирилса, тепаликда бир олам тарих сирларга кўмилиб ётибди. Маълумотларга кўра, зиёратгоҳ жами 7,5 гектар майдонни эгаллаган бўлиб, бу ерда яқинда таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди. Хусусан, ҳудуддаги учта булоқ атрофи кўркам ҳолатга келтирилди. Намозхона, таҳоратхона, рамзий мақбара, миллий айвон ва эсдалик буюмлари дўкони қурилди. “Бу ерлар улуғ инсонларнинг ҳам қадами етган жой ҳисобланади. Амир Темур, Умаршайх Мирзоларнинг дам олиш маскани бўлган”, дейди чустлик тарихчи-журналист ва адиб Мансур Инъом.

— Наманганда туризмни ривожлантириш учун барча имкониятлар мавжуд, — дейди вилоят ҳокими Шавкатжон Абдураззоқов. — Президентимизнинг ташаббуси билан Чортоқ тумани Балиқликўл қишлоғидаги Султон Увайс Қараний зиёратгоҳида ҳам улкан бунёдкорлик ва кўкаламзорлаштириш етгулик масофада кўриниши, Сомон йўлининг яққол кўзга ташланиши ҳавасингизни келтиради. Чўпонлар ҳар йили май ойларидан бошлаб қўй-қўзиларни яйловларга ҳайдаб келишади. Август ойларида яна қишлоққа қайтиб кетишади, чунки бу ерларда қаттиқ совуқ бошланади, сентябрда ҳатто қор ёғиши ҳам мумкин.

Бу жойдаги ер қаъридан чиқадиган қайноқ маъданли булоқда қишин-ёзин 38 даража ҳарорат сақланиб туради. Булоқ суви 27 хил дардга даво. Жойнинг номи ҳам “дарди аримсин” деган маънода Арашан бўлса ажаб эмас. Аслида, бу сўз санскрит тилидан ўзлашган ва “шифобахш қайнар булоқ”ни англатади, мазкур атама нафақат ўзбеклар, балки бошқа туркий тилларда ҳам кўп учрайди. Арашан ҳудудида нафақат зиёрат ва тиббий туризм, балки яйлов туризми, от туризми, сув туризми, қишки спорт турларини ривожлантириш учун улкан имкониятлар бор.

Ширинлан-шакар олмалари билан танилган Янгиқўрғоннинг “Ўнғор” тоғи атрофидаги сўлим масканлар, мўътадил об-ҳаво инсон саломатлигига ижобий таъсир кўрсатади. Чортоқдаги шифобахш маъданли сув қадоқлайдиган “Chortoq Mineral Water” қўшма корхонаси маҳсулотлари донғи бутун республикага кетган. Водийдаги ягона, Ўзбекистондаги йирик етти корхонадан бири “Hydrolife Nanay”да эса 200 метр чуқурликдан олинган сув етти босқичли фильтрдан ўтказилиб, 5 ва 10 литрли идишларга қадоқланмоқда.

— 23 йил давомида компаниянинг Тошкентдаги филиалида фаолият юритдим, бир йил бўлди, ўзимизнинг Наманганда филиали очилгач, бу ерга раҳбар этиб тайинландим, — дейди Ҳусниддин Ҳожиматов. — Манайнинг ўттиздан ортиқ ёшлари меҳнат билан банд бўлди. Биз бутун Фарғона водийсини қадоқланган тоза сув билан таъминлаймиз. Корхона тўлиқ қувват билан ишлай бошлагач, яна қўшимча 200 та иш ўрни очилади.

Мухтасар айтганда, бугун Наманган вилоятида экотуризм, гастрономик туризм, тиббий ва маданият туризми каби йўналишларни ривожлантириш бўйича катта ишлар олиб борилмоқда.

**Комилжон ФАЙЗИЕВ,**
**журналист**

www.yuz.uz
yuz.uznews
yuz_official
yuz.uz_news

# ЭРКИН ВА ФАРОВОН ЯШАЙЛИК!

## Тикувчилик ва тўқувчилик – вилоят бренди

**Наманганда енгил саноат, хусусан, тўқимачилик, тикувчилик соҳаларида ўзига хос мактаб яратилган. Собиқ шўро тузуми даврида “Атлас”, аврли шойи газламалар комбинатлари, “Муштарий” тикувчилик корхонаси, Уйчи йигирув-тўқув фабрикаси ва бошқа қатор корхоналарда минглаб наманганлик чеварлар, йигирувчи ва тўқувчи аёллар меҳнат қилишган бўлса-да, шунга яраша даромад, тўлиқ манфаат кўрмаган. Мустақиллик йилларида Наманган атласининг шуҳрати нафақат мамлакат, балки хорижга ҳам тарқалди.**

Энди бу соҳада ҳам туб ислоҳотлар амалга оширилди. Айниқса, тадбиркорликни ривожлантириш, йирик корхоналарни давлат тасарруфидан чиқариш, хусусийлаштириш бўйича муайян чора-тадбирлар ишлаб чиқилди. Лекин шунда ҳам пахта яккаҳокимлиги 2016 йилга қадар давом этиб келди, десак, хато бўлмайди. Чунки пахта ҳосили не машаққатлар билан етиштирилар, бироқ унинг аксарият қисми хомашё сифатида четга экспорт қилинарди. Ваҳоланки, пахта хомашёсини сотгандан кўра, ундан тайёр маҳсулот ишлаб чиқарилса, даромад 5-10 баробар юқори бўлиши исботланган.

Президентимизнинг 2017 йил 14 декабрдаги “Тўқимачилик ва тикув-трикотаж саноатини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига асосан, Учқўрғон туманидаги “Textile Finans Namangan” корхонаси томонидан кластер усули ҳаётга татбиқ қилиниб, 404 та фермер хўжалиги билан шартнома тузилди. Янги усул талабларига биноан уруғлик, минерал ўғитлар, ёнилғи ва бошқа зарур материаллар таъминотини “Textile Finans Namangan” ўз зиммасига олди. Ўша йилнинг ўзидаёқ бунинг самараси юқори бўлди.

Поп туманида эса ангор эчкилари ва ҳисори қўйларни кўпайтиришга ихтисослаштирилган кластер фаолияти йўлга қўйилди. Бу ерда 140 минг АҚШ доллари қийматидаги хорижий технология ўрнатилиб, жундан турли маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Эчки жунидан тўқиладиган кийим-кечакларнинг ташқи бозорда ҳам харидори кўп. Шундан келиб чиқиб, “Чоркесар эчкичилик кластери” Беларусь давлатидаги ҳамкорлари билан 120 минг АҚШ долларига тенг шартнома имзолади.

Вилоятнинг бошқа туманларида ҳам ушбу соҳадаги лойиҳалар давом эттирилмоқда. Хусусан, Чуст ва Косонсойга яқин вақт ичида 20 минг бош наслли эчки келтирилди. Кейинги икки-уч йил орасида улар сонини 80 минг бошга етказиш кўзда тутилган.

“Art Soft Holding” масъулияти чекланган жамияти ҳам вилоятда кластер усулида иш олиб бораётган йирик корхоналардан бири. Бу корхонага Поп туманидан 31,5 минг гектар ва Мингбулоқ туманидан 30,9 минг гектар ер майдонлари ажратилган. Замонавий кластер тизимининг жорий этилиши, деҳқончиликка янги инновацион усулнинг қўлланиши натижасида “Art Soft tex cluster” фермер хўжалиги томонидан Мингбулоқ ва Поп туманларида икки йилдирки, режадагидан ортиқ пахта ҳосили олинмоқда. “Art Soft Textile” фабрикасида тўқиш, бўяш, тайёр маҳсулотгача бўлган барча жараёнлар амалга оширилади. 100 фоиз табиий пахта матосидан тайёрланаётган момиқ сочиқлар ва ётоқхона учун мўлжалланган ҳамда 80 фоизи хорижга экспорт қилинадиган маҳсулотларга бўлган талаб ва буюртмалар портфели йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Наманган вилояти салоҳиятидан Франциядагилар ҳам яхшигина хабардор. Мазкур давлатга биринчилар қаторида экспорт амалиётини йўлга қўйган “Chust textile” хусусий корхонасидир. Ҳозирда “Наманган” эркин иқтисодий зонаси иштирокчиси мақомига эга ва умумий лойиҳа қиймати 11,9 миллион АҚШ долларига тенг бўлган “Chust textile” хусусий корхонаси жорий йил бошидан буён Италия, Россия, Кипр, Беларусь ва Қирғизистон давлатларига 4,989 миллион АҚШ долларилик тайёр трикотаж маҳсулотларини экспорт қилишга эришди. Айни дамда корхонада ишлаётган 1 300 нафардан зиёд жамоа юксак марраларни кўзлаган. Ишлаб чиқариш кўламини ва фаолиятни янада кенгайтириш мақсадида 3,9 миллион АҚШ долларилик лойиҳанинг 3-босқичи бажарилгач, қўшимча мингта иш ўрни яратилади, йилига 18,5 миллион АҚШ доллари миқдоридаги маҳсулот экспорти амалга оширилади.

Бешта давлатга бренд маҳсулотларини жўнатаётган мазкур корхона учун 2021 йил омадли келди. Давлатимиз раҳбари Наманганга ташрифи чоғида фабрикада бўлиб, ишлаб чиқариш, корхонанинг экспорт қудрати, ишчи-ходимларга ҳозирланган шароитлар билан танишди, тайёрланган маҳсулотлар сифатини юқори баҳолади. Оилавий тадбиркорларнинг меҳнатини муносиб тақдирлаган Президентимиз корхонани бошқараётган ака-укаларни тарбиялаб, ўқитиб, вояга етказган она — Муқаддасхон Зиёвиддиновани “Меҳнат шуҳрати” ордени билан, корхона раҳбари Дилшод Исматуллаевни эса “Дўстлик” ордени билан мукофотлади.

**Давлатимиз раҳбарининг жорий йил 18-19 февраль кунлари Наманган вилоятига ташрифи менинг ҳаётим ва фаолиятимда кескин бурилиш ясади. “Ёшларнинг кўзида эртанги кунга ишончни кўрсам, рости, чарчоқларим чиқиб кетади. Мана шундай жонкуяр, изланувчан ёшлар ҳамма соҳаларда ўзгаришлар қилади. Биз уларга кенг йўл очиб, ҳар томонлама ёрдам беришимиз лозим”, деган эди Шавкат Мирзиёев ўз нутқида.**

## Президентимиз қўлидан юксак мукофот олдим

Ташрифнинг биринчи куни кечқурун Президентимиз маҳалламизга келди. Кутилмаганда бир ҳовлига кирди, оддий одамлар, қўни-қўшнилар билан самимий суҳбат қилди. Сўнг маҳалламиздаги 3 200 та иш ўрни яратилган ва теварақдаги қатор оилаларни меҳнат билан банд этишга мўлжалланган кичик саноат зонасини кўздан кечирди. Қимматли таклифлар билдирди.

Ташрифнинг иккинчи кунида ўтказилган Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида фаолиятим алоҳида эътироф этилди. Давлатимиз раҳбари “Маҳалла ташаббускор”, “Маҳалла раиси — ислоҳотчи” ташаббусларини илгари суриб, мен ҳақимда алоҳида тўхталди, йиғилганларга намуна қилиб кўрсатиб, исмимни бир неча марта тилга олди: “Кеча “Даштбоғ” маҳалласининг 27 ёшли раиси Музаффар билан суҳбатлашдим. Унда фидойилик, билим ва мақсад бор. Бу маҳалла жуда оғир ҳудуд. Лекин Музаффарда ҳаракат борлигини кўрдим. Музаффар, довруғинг Тошкентгача борди...” деган ажойиб жумлалар бир умр қалбимга муҳрланди.

2016 йили Наманган муҳандислик-педагогика институтини тамомлаб, 2017 йилда меҳнат фаолиятимни Наманган шаҳар ҳокимлиги ҳузуридаги Кичик саноат зоналарини бошқариш ягона дирекция ва хусусийлаштириш, тадбиркорликни ривожлантириш унитар корхонаси бош мутахассиси, 2018 йилда шу корхона бошлиғи вазифасини вақтинча бажарувчи, 2019-2021 йилларда Инвестиция ва ташқи савдо бошқармаси Наманган шаҳар бўлими бош мутахассиси бўлиб ишлаш жараёнида маълум тажриба орттирдим. Маҳалламиз номи билан аталган Даштбоғ кичик саноат зонасида аёллар ва ёшлар учун ўқув моно-маркази ҳам очилди. Ўз ҳудудимиздаги 150 нафар фуқаро 12 та йўналиш бўйича ўқитилади, махсус курсларга бириктирилиб, тадбиркорликка йўналтирилади. Ёнимиздаги бошқа маҳаллалар аҳлини ҳам чорлаганмиз. Мазкур моно-марказда 2 минг киши ишлаш ва ўқиш имкониятига эга.

Маҳалламизда 4 700 нафар аҳоли истиқомат қилади, лекин ижтимоий ҳимояга муҳтож оилалар сони 15 та холос. 81 та кичик бизнес субъекти, 2 та умумтаълим мактаби, 2 та мактабгача таълим муассасаси, 2 та давлат, 6 та хусусий шифохона фаолият юритяпти. Қайд этиш жоизки, маҳалла фуқаролар йиғини ҳудудида 32,4 километр ички йўллар бўлиб, барчаси асфальт қилинган. Аҳоли 100 фоиз ичимлик сув билан таъминланган.

Ўз вазифасига сидқидилдан ёндашиш, ўзгалар дардини ўз дардидек қабул қилиш, касбини қадрлаш ҳар қайси раҳбарни юксалтиради. Маҳалламизда 689 та хонадон, 1 182 та оила бор. Уларда яшовчи “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари” ва “Ёшлар дафтари”га киритилганларнинг шароити ва имкониятларини тўлиқ ўрганиш туну кун ҳаёлимда бўлди. Аёллар, якка-ёлғизлар, эҳтиёжманд оилалар, ногиронлар, ўзгалар парваришига муҳтожларга доимо эътибор бериш, уларга чин кўнгилдан кўмаклашиш, дуосини олиш, ҳаётдан рози бўлиб умр кечириши учун ҳисса қўшиш энг олий мақсадимдир. Ҳозирда “Темир дафтар”даги жами 45 нафар, “Аёллар дафтари”даги 61 нафар, “Ёшлар дафтари”даги 74 нафар фуқаронинг барчаси рўйхатдан чиқарилди.

Уй бекаларига қўшимча даромад топиш имкониятини яратиш мақсадида кооператив асосида тўқимачилик корхоналардан буюртмалар олиниб, тайёр маҳсулотларни тўғридан-тўғри хонадонларга етказиб беряпмиз. Яқинда “Ёшлар дафтари”да турувчи бир нафар маҳалладошимиз тадбиркорлик фаолиятини кенг ривожлантириши учун “Заҳрохон” номли тадбиркорлик субъектини очди ва “Аёллар дафтари”даги 20 нафар хотин-қиз ишли бўлди.

2021 йил каминага жуда омадли келди. Ёшлар куни арафасида Президентимиз фармонига мувофиқ “Келажак бунёдкори” медали билан тақдирландим. Тошкентдаги тантанали тадбир — “Талаба ва ёшлар форуми”да юксак мукофотни шахсан Президентимиз қўлидан қабул қилдим. Жуда ҳам бахтиёрман, чунки янги Ўзбекистонимиз йўлбошчиси билан бир йилда иккинчи маротаба юзма-юз учрашдим. Қисқа фурсат ичида камтарона хизматларимни юқори баҳолаган Шавкат Мирзиёевдан чуқур миннатдорман. Яна бир бор елкамга юклатилган залворли ва масъулиятли ишончни оқлашга астойдил интиламан, халқимиз фаровонлиги йўлида эл хизматидан асло чарчамайман.

**Музаффар АҲМАДЖОНОВ,**
**Наманган шаҳридаги “Даштбоғ” маҳалла фуқаролар йиғини раиси,**
**“Келажак бунёдкори” медали соҳиби**

# ВА ЮКСАЛАЁТГАН НАМАНГАН

**Наманганда тайёрланаётган тикувчилик маҳсулотлари нафақат Ўзбекистон, балки бутун Марказий Осиё мамлакатларига юборилади. Вилоятнинг текстиль корхоналари дунё брендлари билан бемалол беллаша олади. Уларнинг салоҳиятидан фойдаланган ҳолда шоппинг туризмини ривожлантириш мумкин. Imir, Sanan, Lansman, Vakkoni, Ideal, D.Maretti, Westell, Imron textile group ва бошқа корхоналарнинг сифатли костюм-шимлари, кўйлаклари, трикотаж маҳсулотлари харидоргир.**

## “Ideal”костюм-шимлари – дунё бозорида

Наманган шаҳридаги “Ideal Textile Orzu” масъулияти чекланган жамияти маҳсулотлари довруғини эшитмаган, мазкур корхонада тайёрланаётган костюм-шимларни кийишни орзу қилмаган киши кам бўлса керак. Ҳозир бу ерда Германия, Япония, Туркия, Хитой каби давлатлар технологияси асосида 100 турдан зиёд эркаклар, аёллар ва болалар кийимлари, махсус либослар тикилмоқда. Йилига 300 минг дона турли ассортиментдаги кийим-кечак ишлаб чиқариш қувватига эга корхонада тайёрланган сифатли ва бежирим маҳсулотларнинг 60 фоизи ташқи бозорга йўналтирилмоқда. Ўтган йили 16 миллиард сўмлик 70 минг дона маҳсулот ишлаб чиқарилди. 80 минг АҚШ доллари миқдоридаги костюм-шим ва аёллар кийими ҳамда 119 минг евро қийматидаги махсус кийим-бош экспорт қилинди.

— Маҳсулотимизга германиялик ишбилармонлар катта қизиқиш билдирмоқда, — дейди корхона раҳбари, Олий Мажлис Сенати аъзоси Бахтиёр Умаров. — Айни пайтда улар билан беш йиллик шартнома тузилган. “Made in Uzbekistan” бренди остида “Ideal” ёрлиғи билан жўнатилган костюм, куртка ва махсус кийимлар Германия бозорига кириб борди. Президентимиз томонидан экспорт масаласига қаратилаётган юксак эътибор ҳамда экспортчи корхоналарга берилаётган имтиёзлар биз тадбиркорлар учун улкан имкониятлар эшигини очмоқда.

— Бугунги кунда Ўзбекистонда ўз бизнес тармоқларимиз мавжуд, — дейди Покистоннинг “International Business System” импорт-экспорт компанияси директори Атиф Насим. — Наманганга ташрифимиз давомида вилоятнинг ишлаб чиқариш ва инвестициявий салоҳияти диққатимизни тортди. Айниқса, тўқимачилик бўйича юқори тажриба тўпланганига амин бўлдик. Панжоблик дўстимиз билан бирга Наманганда қиймати 250 миллион долларлик лойиҳани амалга оширмоқчимиз. Агарда бу режамиз кутганимиздек бўлса, вилоятингизда жинси матосини тайёрлаш йўлга қўйилади.

— Менга Наманганнинг тўқимачилик йўналишида Европа бозорларида ўз ўрнини топиб, ривожланган давлатлар тадбиркорлари билан рақобатлаша оладиган маҳсулотлар ишлаб чиқараётгани маъқул келди. Вилоят экспорт ҳажмида тикувчилик маҳсулотлари улуши 50 фоиз экан. Хусусий ва кичик бизнес вакилларига, хорижий инвесторларга яхши шарт-шароитлар борлигига ҳавас қилдик. Ўрганадиган жиҳатларимиз кўп, — дея таъкидлаганди Қирғизистон Республикаси Жалолобод вилояти губернатори Абдусаттар Сиргабаев вилоятга ташрифи чоғида.

## Чуст инновацион ҳудудга айланмоқда

**Ўзининг кескир пичоқлари-ю нафис дўппилари билан нафақат республикамизда, балки қўшни мамлакатларда ҳам машҳур бўлган Чуст Наманган вилоятининг энг катта туманларидан бири. Аҳоли сони бўйича ҳам Наманган шаҳридан кейин туради, салкам 270 минг. Сўнгги йиллардаги кенг бунёдкорлик ва ободонлаштириш ишлари туфайли Чуст туманининг қиёфаси тубдан ўзгарди. Мамлакатимиз ҳаётида бошланган янги ислоҳотлар одамлар турмуш тарзи, дунёқарашини тамомила ўстирди, янги имкониятлар эшигини очди.**

— Чустликлар мамлакатимиз мустақиллигининг қутлуғ ўттиз йиллик тўйини кўтаринкилик, ҳамжиҳатлик, яхши кайфият билан кутиб олмоқда. Президентимиз шу йил февраль ойида вилоятимизга қилган ташрифида иқтисодий ривожланиш омиллари, халқ фаровонлигини ошириш йўлидаги устувор вазифаларни белгилаб бериб, туманимизни инновацион ҳудудга айлантириш таклифини илгари сурди, — дейди туман ҳокими Бекзод Ҳамдамов. — Бу таклифни амалга ошириш учун Чустни инновацион ҳудудга айлантириш бўйича тадбирлар режаси ишлаб чиқилди.

Туман ҳокимининг инновациялар бўйича ўринбосари Отабек Каримхўжаевнинг таъкидлашича, “Ҳар бир ёшга — бир гектар” лойиҳаси доирасида тумандаги 2 135 нафар йигит-қизга 20 сотихдан ер ажратилди. Ташаббус билан меҳнатга енг шимарган иқтидорли, фаол ёшлар қўллаб-қувватланмоқда. Хусусан, танлов асосида улар орасидан инновацион ғояга эга бўлган 200 нафарига уруғ, ўғит харид қилиш ҳамда инновацияларини татбиқ этишга 10 миллион сўмгача маблағ берилди. Туманда замонавий, инновацион “Chust textile” корхонасининг ташкил қилинганлиги ҳам ислоҳотларнинг салмоқли самарасидир.

— “Бибиона” маҳалласида истиқомат қиламан, — дейди ҳунарманд Нурхон Бойбоева. — Ишлайман десанг, барча имкониятлар бор. Аёлларга яратилаётган бундай шароитлар ҳеч қайси даврда бўлмаган. Ёшим 50 дан ўтганида тадбиркорликка қизиқдим. 100 миллион сўм субсидия билан фаолият бошладим. 50 нафар аёлни ишли қилдим. Хотин-қизлар бандлигини таъминлаш билан бирга неча юз йиллик тарихга эга бўлган миллий ҳунармандчилигимизни авлоддан-авлодга етказишга бел боғладим.

Туманнинг “Камарсада” маҳалласида яшовчи Аминовлар сулоласи дўппидўзлик билан шуғулланади. 70 ёшни қоралаган Юсуфжон ота ва Мавлудахон ая ҳамда уларнинг фарзанд-набираларининг барча даромадлари шу ҳалол касб ва нафис ҳунармандчилик орқасидан. Уйларини кўриб, ҳавас-ла дилинг яйрайди. Дўппи тикаётган аёлларнинг нозик ишларини кузатар-кансиз, нафис ҳаракатлар ва ҳафсала билан яратиладиган бош кийим эр йигитлару болажонларга нима учун ярашишини яна бир карра тушунасиз. Чуст дўпписининг тикилиш жараёнлари, ундаги нақш ва гуллар ўз тарихи ҳамда мазмунига эга. Суриштирдикки, битта дўппининг нархи 30-35 минг сўмдан бошланиб, 700-800 минг сўмгача кўтарилиши мумкин. Бундай нархлар унинг нусхаси ва тайёрланиш жараёнининг қай даражадалигига қараб баҳоланади.

— Бу кашталарнинг 20 дан ортиқ тури бор. Дўппиларнинг тайёр ҳолатга келиши 5-6 босқични ўз ичига олади ва у анчагина меҳнат талаб қилади, шунинг учун ҳам ҳар кимнинг қўлидан келмайди. Бир киши тикса, иккинчи одам унинг қолипини тайёрлайди, учинчиси ичига астарлик қилади ва ҳоказо, — дейди чевар Наргиза Раупова.

Бугун Чуст шаҳрига келсангиз, қизғин бунёдкорликларни кўриб, кўзингиз қувнайди. Шаҳар улкан қурилиш майдонига айланган. Аввалларибошлари икки, нари борса, уч қаватли бинолар қад кўтарган бўлса, ҳозирда тадбиркорлар томонидан 5-7 қаватли иншоотлар бунёд этилмоқда. Туманда узоқ йиллар давомида 1 500 дан зиёд уй-жой қурилган бўлса, охирги 4 йилда 800 дан зиёд арзон уй-жой қурилди. Қолаверса, 2019 йилда хусусий секторлар томонидан 13 та кўп қаватли турар-жой биноси барпо қилинди, жорий йилнинг ўзида 52 та турар-жой қурилиши режалаштирилиб, ҳозир ишлар жадал суръатларда кетмоқда.

Чустнинг ташриф қоғози — Лутфуллоҳ номидаги маданият ва истироҳат боғи таъмирланиб, янада кўркам қиёфага кирди. Қисқа вақт ичида қатор эркин иқтисодий зона, кичик саноат зоналари ташкил этилди. Туманда ижтимоий-иқтисодий ислоҳотларнинг қандай кечаётганини қуйидаги кўрсаткичлардан ҳам билишимиз мумкин. 2017 йил якунида кичик бизнеснинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 56,9 фоиз бўлган, бу рақам 2020 йилда 58,1 фоизни ташкил қилди. Натижада туманда 2020 йилда 721,1 миллиард сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилиб, ўсиш суръати 125,1 фоизга (2017 йилга нисбатан 2,8 баробарга ошган) етди.

— Узоқ йиллар қишлоқ хўжалиги соҳасида ишладим, — дейди меҳнат фахрийси, “Дўстлик” ордени соҳиби, уста пахтакор Абдусаттор Ғофуров. — Мамлакатимизда қишлоқ хўжалиги соҳаси тизимли ислоҳ қилинди. Олиб борилган саъй-ҳаракатлар асосида янгича ёндашув ва муносабат уйғонди. Аввало, янги мулкчилик шакллари вужудга келиб, ер ҳақиқий эгасини топди. Статистикага кўра, 2017-2020 йилларда туманимизда қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини ишлаб чиқариш ҳажми 103 фоизга ошди. Бу йилги ғалла ҳосилини айтмайсизми, режа ортиғи билан бажарилди. Фермернинг уйи буғдойга тўлди, шукр, дон мўл бўлди.

Чустда 2017 йилда жами 46 та давлат мактабгача таълим ташкилоти мавжуд эди, бугунга келиб, улар сони 190 та. Ўз навбатида болаларни боғчаларга қамраб олиш даражаси 73,5 фоизга етди. Охирги 4 йил давомида Чуст туманида туризм йўналишида ҳам талайгина амалий ишлар кўзга ташланди. 2019-2020 йилларнинг ўзида умумий қиймати 12 миллиард сўм бўлган 18 та лойиҳа ишга туширилди.

— Ғова қишлоғи туманнинг энг сўлим гўшаларидан саналади. Бу ерга нафақат вилоят, балки қўшни вилоятлардан ҳам меҳмонлар келиб, дам олиб кетишади. Экотуризмни ривожлантириш мақсадида тоғ ёнбағирларида кемпинглар ва намунавий уйлар, замонавий дам олиш масканлари очилди. Худо хоҳласа, пандемия тугаса, қишлоғимизда “Халқаро адабиёт фестивали” ўтказилади, ижодкорлар байрамига алоҳида ҳозирлик кўрилмоқда, — дейди ғовалик фахрий ўқитувчи Рустамхон Эсоналиев.

Пичоқлар анчадан буён Чуст шаҳрининг бренди ҳисобланиб келинади. Ҳунарманд пичоқчилар, сулоланинг еттинчи авлод вакиллари Муҳаммаджон Абдураҳимов ва Раҳимжон Убайдуллаевларнинг оилавий устахонасида ўғиллару набиралар севимли ота касблари билан банд. Муҳаммаджон отанинг айтишича, Қўқон хони Амир Умархоннинг шамширини катта боболари ясаган экан.

— Битта пичоқни тайёрлаш учун 1 кун ҳам, 1 ҳафта ҳам вақт кетиши мумкин. Табиий маҳсулотлардан фойдаланамиз. Масалан, қўйнинг илиги, буғу шохи ва бошқалар. Даста учун турли ҳайвонлар шохидан фойдаланиш алоҳида меҳнат талаб этади, — дейди Дўзанди маҳалласида яшовчи, Дамашқ пичоқлари билан машҳур уста Муҳаммаджон Абдураҳимов. — Олдинлари 10-15 хил пичоқ ясаган бўлсак, ҳозирда уларнинг тури юздан ошди. Пичоқларимизни Марказий Осиё, МДҲ ва Европа давлатларидан ҳам келиб олиб кетишяпти. Яқингача биз, ҳунармандлар ўзимизни тўлақонли кўрсатишимизга имконият ва шароитлар бўлмаган. Президентимизнинг ҳунармандчиликни ривожлантиришга қаратаётган эътибори, бу борада қабул қилинган бир қатор ҳужжатлар соҳа ривожига йўл очди

Устанинг айтишича, бир пичоқ нархи 70 минг сўмдан 200 минг сўмгача. Шу пайтга қадар пичоқлар Рига ва Москва шаҳарларига экспорт қилиб келинмоқда. Республика ҳунармандлари ўртасидаги танловларда ўз маҳсулотлари билан доим қатнашиб, эътироф этилмоқда.

Хуллас, гапирса гап кўп. Чуст туманида одамларни рози бўлиб яшашига чорлайдиган янгиланишларни кузатиб руҳингиз юксалади, дахлдорлик туйғуси ошади.

**Қўшсаҳифани “Янги Ўзбекистон” мухбири Орифжон ЖЎРАЕВ тайёрлади.**

ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН

www.yuz.uz yuz.uznews yuz_official yuz.uz_news

# ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 30 ЙИЛЛИГИГА

**“Марказий ва Жанубий Осиё: минтақавий боғлиқлик. Таҳдидлар ва имкониятлар” мавзусида ўтказилаётган халқаро конференция меҳмонлари сафида венгриялик навоийшунос Бенедик Пери ҳам бор!”.**

**Бу хабарни эшитиб, хурсанд бўлиб кетдик. Гарчи аввалги суҳбатимиз ижтимоий тармоқлар орқали кечган бўлса-да, бу зукко ва инжа қалб соҳибининг мамлакатимизга, Алишер Навоий ижодига бўлган эҳтиромидан қувонган эдик.**

**Буюк мутафаккир номи билан юритиладиган Миллий кутубхона ёнига етиб келганимизда Пери жаноблари ҳам бизни ўзгача ҳаяжон ва қуйидаги самимий сўзлар билан кутиб олди:**

## Бенедик Пери:

# НАВОИЙ ТАЪРИФЛАГАН СУЛТОН КЕЛМИШ БУ ЮРТГА

МАЗКУР QR-КОДНИ СКАНЕР ҚИЛИШ ОРҚАЛИ ВИДЕОЛАВҲАГА ЎТИНГ.

— Ҳар сафар юртингизга келсам, Алишер Навоий билан учрашаётгандек қувонаман. Ҳар бирингизнинг чеҳрангизда буюк мутафаккир таърифлаган муҳаббат шуълаларини излайман. Айниқса, сўнгги тўрт йилда Навоий ҳазратлари таърифлаган, орзу қилган ишлар амалга оширилмоқда. Масалан, деярли ҳар бир вилоятда ижод мактаблари очилиши — жуда ажойиб ғоя. Мақом санъатини қайта тиклаш ва уни ривожлантириш борасидаги ишлар ҳам мени жуда қувонтирди. Сиёсат майдонида аҳиллик ва ҳамжиҳатлик борасидаги оламшумул лойиҳаларни эса, бутун дунё аҳли кузатиб, билиб турибди. Конференциядаги нутқида Президент Шавкат Мирзиёев: “Мазкур форум арафасида Тошкентда Марказий Осиё халқаро институти очилди. Минтақавий ҳамкорликни ривожлантириш мақсадида ушбу таҳлил маркази қошида мамлакатларимизнинг таниқли олимлари, тадқиқотчи ва таҳлилчиларидан иборат Экспертлар кенгашини тузишни таклиф қиламан. Бундан ташқари, бугунги конференция якунлари бўйича Марказий ва Жанубий Осиё ўртасида, умуман, Евроосиё маконида доимий ва барқарор ривожланишнинг муҳим омили сифатида ўзаро алоқаларни мустаҳкамлаш тўғрисида махсус резолюция лойиҳасини ишлаб чиқиб, БМТ Бош Ассамблеясига тақдим этишни таклиф қиламан. Ушбу ҳужжатда мулоқотларимизнинг умумий ёндашувлари, асосий тамойил ва йўналишларини акс эттириш лозим. Резолюция лойиҳасида бизнинг Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари минтақавий боғлиқлиги бўйича юқори даражадаги доимий форумларни мунтазам ўтказиб боришга тайёрлигимизни акс эттириш ҳам мақсадга мувофиқдир”, дея таъкидлади. Шавкат Мирзиёевнинг ушбу сўзларини тинглаётиб, Алишер Навоийнинг:

*Олам аҳли билингизким, иш эмас душманлиғ,*
*Ёр ўлинг бир-бирингизгаким, эрур ёрлиғ иш,*

деган мисраларини эсладим.

**Бенедик Пери жанобларининг айни мулоҳазалари ва юртимиз билан боғлиқ ёруғ таассуротлари бизнинг-да, кўнглимизни равшан қилди. Ўз-ўзидан суҳбатимиз хориж навоийшунослигидаги ютуқлар ва муаммоларга уланиб кетди. Филология фанлари доктори Афтондил Эркинов мутафаккир бобомизнинг ҳаётбахш ғоялар билан суғорилган беназир ижодига кейинги пайтда хорижда қизиқиш янада кучайганини таъкидлаб, бундай деди:**

— Неча асрки, Навоий ижоди Ғарб олимлари диққат марказида. Таассуфки, XX асрда ҳукм сурган шўро тузуми туфайли барча соҳалар қатори маънавий ва илмий алоқа чегаралари ёпилди. Натижада биз хориждаги ўзбек адабиёти тадқиқотчилари ва улар ишларидан кўп жиҳатдан бехабар, бебаҳра қолдик. Эндиликда Ғарбу Шарқ олимлари ва улар яратган илмий маҳсулот билан танишиш имкони кенгаймоқда. Мазкур йўналишда қилинган ишлар ҳам бор.

Хорижда Алишер Навоий ҳаёти ва ижоди билан шуғулланган ва шуғулланаётган олимларнинг салмоғи баланд. Уларнинг Навоий бўйича яратган илмий ишлари Ўзбекистонда ҳам тадқиқ этилмоқда. Ўзим 2018 йилдан бери хориждаги навоийшунослик ва айни йўналиш билан шуғулланувчи чет эл олимлари ҳақида тўққизта илмий мақола эълон қилдим. Хорижий навоийшунослик менинг навоийшунослик бўйича олиб борган тадқиқотларимнинг бир қисмидир. Шу бўйича шогирдлар тайёрлаш устида ҳам ишлаяпман. Масалан, менинг илмий раҳбарлигим остида Тошкент давлат шарқшунослик университети мустақил тадқиқотчиси Гуландом Йўлдошева “Алишер Навоий ижодининг XX асрда Канадада ўрганилиши (Э.Бирнбаум ва М.Сабтелни тадқиқотлари мисолида)” мавзусидаги PhD диссертацияси устида ишлаяпти. Самарқанд давлат университети мустақил тадқиқотчиси Абдумалик Қурбонов “Навоийнинг Туркия Республикасида ўрганилиши” мавзусидаги PhD диссертациясини ёзяпти. Мақсадим — Ўзбекистонда хорижий навоийшунослик йўналишини катта миқёсга олиб чиқиш ва Алишер Навоий феноменини дунё илмий жамоатчилиги тан олганининг илмий исботини яратиш.

Аслида хорижда Алишер Навоий ва унинг ижоди Ғарб олимлари диққат марказига тушганига бир неча аср бўлди. Адабиётимиз ва унинг таниқли намояндалари бўйича тадқиқот қилган ва қилаётган олимларнинг кейинги юз йилдаги таниқли вакиллари сифатида Америка қитъасидан Мария Сабтелни ва Элизар Бирнбаум, Германиядан Ингеборг Балдауф ва Зигрид Клайнмихел, Венгриядан Бенедек Пери ва Ференч Чиркесни айтиб ўтишимиз мумкин. Шунингдек, Франциядан Александр Папас (Alexandre Papas) ва Марк Тоутант (Marc Toutant), туркиялик олимлардан Меҳмед Фуат Кўпрулу (Mehmed Fuat Koprulu) — Кўпрулзода, Заки Валиди Тўғон, ҳозир 91 ёшни қаршилаган Кемал Эраслан, Осман Серткая, Танжу Сейҳан, Ваҳид Турк, Айшехан Дениз Абик, Озарбайжондан Жаннат Нагиева, Алмаз Улви ва яна бир қатор тадқиқотчиларнинг илмий изланишлари эътиборга моликдир.

Шу ўринда навоийшунос Бенедик Пери ҳақидаги баъзи маълумотларни келтириб ўтмоқчиман. У мохор туркийшунослиги вакили, профессор. Венгрия пойтахти Будапешт шаҳрида яшайди. Шарқшунослик институти директори ва Этош Лоранд университети туркийшунослик кафедраси мудири сифатида фаолият юритади. Бенедик мазкур университетда инглиз, форс ва туркий тилларни ўрганган. Туркий матнлар бўйича мутахассис. Мазкур кафедра Ўрта Осиё туркий матнларини ўрганиш бўйича узоқ йиллик анъанага эга. Кафедрага 1870 йили Арминиус (Армин) Вамбери (1832–1913) томонидан асос солинган. Бенедик Пери Лутфий ва Алишер Навоий шеъриятининг бобурийлар адабий муҳити шоирларига таъсири ҳақида тадқиқотлар ёзган. Сўнгги йилларда Бенедик Пери кўпроқ Алишер Навоий ижодини ўрганиш билан машғул бўлиб, бу йўналишдаги мақолаларини инглиз тилида нашр этиб келмоқда.

**— Бенедик Пери жаноблари, аввалги суҳбатимизда франциялик навоийшунос Марк Тоутан сизни Францияга илмий конференцияга таклиф этгани, бироқ пандемия сабаб анжуман қолдирилгани боис, янги изланиш ва мулоҳазаларингизни тақдим этолмай қолганингизни айтган эдингиз. Умуман, Армин Вамбери давридан бошланган изланишлар шу кунгача қандай илмий ва ижодий ҳақиқатларни кашф этишга эришди, деб ўйлайсиз?**

— Венгрияда Ўзбекистон ва Алишер Навоий билан боғлиқ ишларнинг бошланиши машҳур туркийшунос олим Армин Вамбери (1832–1913) номи билан боғланади. У 1863 йили Ўзбекистон ҳудудига келган. Вамбери тўрт йил умрини Истанбулда ўтказган. Ўшанда у ўзбек мумтоз адабиёти намуналари, хусусан, буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий асарлари билан танишган. Олим изланишлари давомида бу асарларни усмонли турк китобхонлари тушунишлари осон бўлиши учун XVI асрда тузилган “Абушқа” луғати қўлёзмасини мохор тилига таржима қилиб, 1862 йили Венгрияда чоп эттиради. Шунингдек, Вамбери “Муҳокамат ул-луғатайн” асарининг баъзи қисмларини ҳам мохор тилига таржима қилади ва шу йили Венгрияда нашр қилдиради. Бунинг ўзига хос сабаби бор эди. Вамбери “Муҳокамат ул-луғатайн” асарида Алишер Навоийнинг миллий ҳиссиётлари акс этганини сезади. Миллийлик билан боғлиқ бу ҳис-туйғулар Вамбери учун муҳим аҳамият касб этарди. Айниқса, Венгриянинг ўз мустақиллиги учун 1848–1849 йиллари Австрияга қарши урушда ютқизгани фонида Навоийнинг ўз она тили тараққиёти ва бадиий адабиётдаги ўрни учун “Муҳокамат ул-луғатайн” асари орқали қилган ғамхўрлиги Вамбери учун муҳим эди. Яъни Вамберининг таржимаси ортида нафақат илмийлик, балки ўз халқи озодлиги, ватани мустақиллиги ва она тили мавқеининг юқори бўлиши учун бўлган интилишлари ҳам турарди. Шу маънода, “Муҳокамат ул-луғатайн”да Навоийнинг туркий тил учун қайғургани олимни қийнаган масалаларга ҳамоҳанглиги билан қадрли эди.

**— Демак, Вамбери шу боис, Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини кўриш учун хавфли бир сафарга отланар экан-да...**

— Армин Вамбери усмонли туркий тилига қизиқади, кейинчалик ўзбек мумтоз адабиёти матнлари билан танишгач, унда Ўрта Осиё халқлари маданияти ва тилларига бўлган қизиқиш пайдо бўлади. Шу сабаб у Хива, Бухоро ва Самарқанд шаҳарларини кўриш учун хавфли бир сафарга отланади. Олим 1863-1864 йилларда усмонли дарвиш қиёфасида шу шаҳарларга келади. У кийган кийимлар сафар мобайнида унга кўп китоб тўплаш имкониятини бермайди. Шунга қарамай, Вамбери муайян китобларни қўлга киритади. Шулар қаторида XVIII-XIX аср шоирлари шеърлари кирган бир баёз ҳам мавжуд бўлиб, унда Навоий шеърлари ҳам бор эди.

1867 йили Вамбери эски ўзбек тилини ўрганувчилар учун шу тилдаги матнлар кирган дарсликхрестоматияни немис тилида нашр қилади. Айни китобда Алишер Навоий асарларидан намуналар жой олган. Булар қаторида “Маҳбуб ул-қулуб”дан парчалар, уч ғазал ва “Фарҳод ва Ширин”дан олинган бир неча байт ва уларнинг немис тилига қилинган таржимасини қайд этиш мумкин.

Вамберининг шогирди, венгер олими Йожеф Тури (1861-1906) “Ўрта Осиё туркий адабиёти тарихи” номли 70 саҳифали рисола ёзган. Бу китобнинг 10 саҳифаси Алишер Навоийга бағишланган бўлиб, муаллиф Навоийни туркий адабиётнинг буюк ижодкори сифатида баҳолаган. Йожеф Турининг мутафаккир билан боғлиқ алоҳида яна 2 та тадқиқоти мавжуд: XIX асрда Фатхали Қожор Қазвиний “Беҳжат ул-луғат” деган луғатга тартиб берган. Айни сўзлик Эрондаги туркий халқларга Навоий асарларини ўқиб тушуниш осон бўлиши учун яратилган. Чунки улар Навоий асарларини ўқиб тушунишда баъзи муаммоларга дуч келган бўлсалар керак. Йожеф Тури Навоий билан боғлиқ мана шу луғат хусусиятига оид катта тадқиқот яратган. Бундан ташқари, бу венгер олими “Муҳокамат ул-луғатайн” асаридан мисоллар келтирган ҳолда тилшунослик бўйича тадқиқотлар ҳам олиб борган.

Усмонлилар салтанати орқали Венгрияга Алишер Навоий асарлари қўлёзмаси XIX аср иккинчи ярмидаёқ етиб борган. Улар орасида “Фарҳод ва Ширин”, “Ҳайрат ул-аброр”нинг икки қўлёзмаси ва Навоий девонларининг беш нусхаси мавжудлиги XX аср биринчи ярмида машҳур мохор туркийшунос олими Игнац Кунош (1860-1945) амалга оширган ҳисоботда қайд этилган.

XX асрда Навоий ижоди билан шуғулланган венгер олимлари қаторида Янош Экманн (1905-1971)ни ҳам тилга олиш мумкин. У Навоий девонлари ҳақида бир қатор мақолалар ёзган.

Машҳур венгер туркийшунос олимларидан яна бири Андраш Бодроглигеттидир (1925-2017). Бу олим таржимон Эржебет Бродски (1907-1983) билан бирга, Алишер Навоийнинг “Фарҳод ва Ширин” достонини мохор тилига таржима қилган. Мазкур достон 1966 йили Венгрияда нашр бўлган. “Фарҳод ва Ширин”нинг айни мохорча таржимаси нашри 1974 йили яна қайтадан Будапештда чоп этилган.

Алишер Навоий билан боғлиқ Венгриядаги тадқиқотлар бугунги кунга қадар давом этиб келмоқда. Масалан, мен ўзбек олими, профессор Абдулла Аъзамов билан ҳамкорликда Навоийнинг “Арбаин” асари инглизча таржимаси, бадиий ва илмий талқинини амалга ошириш устида ишлаяпмиз.

**— Суҳбатларингизнинг бирида “Эски ўзбек адабий тилига оид матнларни ўқишни талабалик йилларимданоқ бошлаган эдим. Эсимда, дастлабки пайтлар кўплаб қийинчиликларга дуч келганмиз, чунки бизда бу давр адабий тилига оид бирорта ҳам луғат йўқ эди. Афсуски, бу муаммо ҳозир ҳам ўз ечимини топгани йўқ, яъни талабаларимизга Навоий даврида яратилган адабий асарларни аслиятда ўқиб тушунишларига мўлжалланган эски ўзбек адабий тилининг инглизча луғати ҳанузгача яратилмади”, деган эдингиз...**

— Президент Шавкат Мирзиёевнинг “Буюк шоир ва мутафаккир Алишер Навоий таваллудининг 580 йиллигини кенг нишонлаш тўғрисида”ги қарори билан астойдил танишиб чиқдим. Ушбу қарорда чет элда истиқомат қилаётган ўзбек тили мутахассислари, таржимонларни жалб қилган ҳолда, Алишер Навоий асарларини бошқа тилларга таржима қилиш, нашр этиш ва хорижий мамлакатларда тақдимотларини ўтказиш бўйича тизимли ишларни амалга ошириш борасидаги муҳим вазифаларга алоҳида тўхталиб ўтилган. Ҳозирги кунда ўзбек олимлари ва хориж навоийшунослари асрлар давомида ортга суриб келинган жуда яхши лойиҳалар асосида иш олиб бораётгани мени жуда хурсанд қилмоқда. Мен ёшлигимдан бери орзу қилиб келган эски ўзбек адабий тилининг инглизча луғатини яратиш борасида ҳам эътиборга молик ишлар бошлаб юборилган. Бу жараёнда қўлимдан келганича ўз ёрдамимни аямайман.

Вамбери чиғатой тили ва адабиётига қизиқишини Будапешт университетининг туркшунослик кафедраси мудири сифатида ўқитувчисига эргашган шогирди Жозеф Турига мерос қилиб қолдирган. У шу мавзуда 3 та кичик китоб нашр этди. Бири Мар-казий Осиёда туркий адабиёт тарихи, умуман, чиғатой-форсий луғатлари бўлса, биттаси Навоийнинг китобларини ўқиётган одамларга ёрдам бериш учун Эронда тайёрланган “Баҳжат ал-луғат” деб номланган луғатдир. Янош Экманн 1870 йилда Вамбери томонидан асос солинган туркшунослик бўлимида ҳам ўқиган ва у узоқ вақт Туркияда бўлганида замонавий Ўзбекистон ҳудудида бир вақтлар гуллаб-яшнаган адабий анъаналарнинг қатъий тадқиқотчисига айланган. Олим хоразмликлар ва чиғатой тили ҳақида мақолалар нашр этди. Ушбу мавзу бўйича таниқли мутахассисга айланди. Унинг 1966 йилда чоп этилган “Чиғатойга кўрсатма” китоби бугунги кунда ҳам чиғатой грамматикаси учун маълумотнома бўлиб хизмат қилмоқда. Будапештдаги туркшунослик мактабида ҳам таълим олган Андрас Бодроглигетти Экман изидан юриб, чиғатой ва ўзбек адабиёти тарихининг турли жабҳаларига бағишланган бир неча жилд ва кўплаб мақолалар нашр этди. Унинг энг муҳим асарлари қаторига “Чиғатой тили грамматикаси“ ва “Ҳозирги адабий ўзбек тили” кабилар киради. Ёш авлоддан бошлаб Ференч Чиркес чиғатой матни тўғрисида мақола эълон қилди. Гулу Наврўз ва Андраш Центнар Ўрта Осиё туркий-форс тилидаги китоб бўйича докторлик диссертациясини ёздилар. Менга келсак, Ҳиндистонда туркий тил ва адабиёт тарихига бағишланган китоб ва бир неча мақолаларим чоп этилган.

Афсуски, шу кунгача Алишер Навоий ва унинг замондошлари асарларини ўқишни осонлаштирадиган мумтоз ўзбек (чиғатой)-инглизча луғат мавжуд эмаслиги боис, университетимиз тадқиқотчилари доктор Суат Юнлу томонидан тайёрланган мумтоз ўзбек (чиғатой)-замонавий туркча луғатдан фойдаланиб келишган. Бошланган эзгу саъй-ҳаракатларимиз ва ҳамкорлигимиз туфайли бу каби муаммолар ўз ечимини топишига, илмий ҳамкорлигимизда янги уфқлар пайдо бўлишига жуда қаттиқ ишоняпман. Чунки юртингизга Навоий ўз асарларида жуда катта меҳр ва фахр билан таърифлаган султонлар каби илмни, маданият ва санъатни қадрлайдиган раҳбар келганга ўхшайди.

**— Афтондил ака, тарих саҳифаларида қайд этилишича, Алишер Навоий усмонлилар султони Боязид II га ўттиз уч ғазалини юборган...**

— Ана шу воқеа билан боғлиқ адабий таъсирлар ҳақида айтиб ўтишимни сўраётганингизни англадим. Шу ўринда бевосита Бенедик Пери изланишлари билан боғлиқ мулоҳазаларимни билдириб ўтмоқчиман. 2017 йили Бенедик Пери Тошкентга, Алишер Навоий таваллудининг 576 йиллигига бағишлаб Ўзбек тили ва адабиёти университети ташкил этган конференцияга келганида 9 февраль куни Навоий ҳайкали пойида ўзбек тилида қисқа маъруза қилганди. Унинг ўзига хос фикрлари эътиборимни тортди. Тадқиқотчи “Алишер Навоий. “Муҳокамат ул-луғатайн” номли асарида бундай деб ёзади: “Туркий шоирлар ўз шеърларини кўпинча форс тилида ёзганлар, чунки улар учун асрлар давомида бу тилда шеър ёзиш анъанасига суяниб ижод қилиш осонроқ бўлган. Лекин Алишер Навоий туркий шоирларга йўл кўрсатмоқ учун ўзи ўша даврда кенг тарқалган адабий жанрларнинг барчасида эски ўзбек тилида асар ёзди. Айни вақтда, Алишер Навоийнинг эски ўзбек тилидаги шеърлари барча туркий халқлар учун бадиий ўрнак бўлди. Айтилишича, Навоий усмонлилар султони Боязид II га ўттиз уч ғазалини юборган. Боязиднинг ўзи ҳам шоир бўлган ва унга Навоийнинг бу шеърлари жуда ёққан. У олдига Аҳмад Пошо деган шоирни чақириб, унга усмонли туркийсида Навоийнинг ғазалларига ўхшаш ғазаллар ёзишни буюрган. Давр тазкирачиларига кўра, Аҳмад Пошо Навоий ғазалларига эргашиб ғазаллар яратган. Натижада унинг шеърий маҳорати ошган ва шеърияти кейинги давр усмонли шоирлари учун намуна бўлган. Яъни Аҳмад Пошо воситасида усмонли шоирлар Алишер Навоий шеъриятига тақлидан ижод қилганлар. Шундай қилиб, ўн олтинчи асрдан бошлаб Навоий шеъриятига эргашиб усмонли туркийсида ёки эски ўзбек тилида ижод қилиш, шеър ёзиш усмонлилар адабий муҳитида ўзига хос анъанага айланган. Масалан, усмонли шоирлар томонидан энг кўп эргашилган Навоий ғазалларидан бири “Уйнар” радифли ғазалдир.

2017-2018 йиллардан бери Бенедик Пери Алишер Навоий номидаги Ўзбек тили ва адабиёти университетида ўтказиладиган анъанавий “Алишер Навоий ва XXI аср” мавзуидаги конференцияларда ўз чиқиш ва мақолалари билан иштирок этиб келмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ, унинг “Бобурийлар муҳитига Алишер Навоий ва Лутфий ғазалчилигининг таъсири (Байрамхон мисолида)” ҳамда “Алишер Навоий ва Ҳофиз Шерозийнинг биринчи ғазали” каби мақолалари Ўзбекистонда нашр этилди.

Бенедик Перининг “Алишер Навоий шеърларининг инглиз тилига таржимасига оид мулоҳазалар: муаммо ва таклифлар” мақоласи Навоий шеърияти таҳлили ва шоир шеърларини Ғарб ўқувчисига таржимада тушунтириш масаласига бағишланган. Унда олим Навоий шеърларини Ғарб тилларига таржима қилишдаги муаммоларни кўрсатиб ўтган ҳамда уларни ҳал этиш йўлларига оид ўз илмий қарашларини илгари сурган.

* * *

*Бенедик Пери билан суҳбатимиз узоқ давом этди. Ўз фикрларини баён этаётиб кўп ўринларда эски ўзбек тили сўзларидан фойдаланган чоғида қалби самимиятга лиммо-лим бўлган бу олимнинг юртимиз тарихи, аждодларимиз меросига бўлган эҳтироми беихтиёр кишини тўлқинлантириб юборди. Хайрлашар чоғимиз венгриялик дўстимиз Алишер Навоий ҳазратларининг мана бу мисраларини соф ўзбек тилида айтиб кўнглимизни янада шод айлади:*

***Бўлмаса ишқ икки жаҳон бўлмасин,***
***Икки жаҳон демаким, жон бўлмасин.***
***Ишқсиз ул танки, онинг жони йўқ,***
***Ҳуснни нетсун кишиким, они йўқ.***

**“Янги Ўзбекистон” мухбири**
**Мухтасар ТОЖИМАМАТОВА суҳбатлашди.**

“Янги Ўзбекистон” ва “Правда Востока” газеталари таҳририяти" ДУК

МУАССИС:
**Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

Бош муҳаррир:
**Салим ДОНИЁРОВ**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.
Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди.
Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “KOLORPAK” МЧЖ масъул.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 13 январда 1047-рақам билан рўйхатга олинган.
**Нашр индекси** — 236. **Буюртма** — 2451.
76603 нусхада босилди.
**Ҳажми** — 3 табоқ. Офсет усулида босилган. **Қоғоз бичими** А2.
Баҳоси келишилган нархда.

“KOLORPAK” МЧЖ босмахонасида чоп этилди.
Босмахона манзили: Ўзбекистон, 100060.
Тошкент, Янги шаҳар кўчаси, 1-А уй.
Босмахона телефони: (78) 129-29-29

Навбатчи муҳаррир: Гуличеҳра Дурдиева
Мусаҳҳиҳ: Ойдин Аляутдинова
Дизайнер: Зафар Рўзиев

Манзилимиз:
100029, Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй

ЎзА якуни — 22:30 Топширилди — 23:40

Девонхона: (0-371) 233-70-98 Котибият: (0-371) 233-56-60 Эълонлар: (0-371) 233-57-15 E-mail: yuz-gazetasi@mail.ru